Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 5 (12.961).
8 ЯНВАРЬ 1965 ЙИЛ
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

1965 ЙИЛ — МЕҲНАТ ВАХТАСИ

СЎНГГИ соатда

● МАМЛАКАТДА ЧИТ ЕТКАЗИБ БЕРАДИГАН ЭНГ ЙИРИК КОМБИНАТЛАРДАН БИРИ БЎЛГАН ЧЕБОКСАРИ ИП-ГАЗЛАМА КОМБИНАТИ 6 ЯНВАРЬ ИШ КУНИ ОХИРИГАЧА 1965 ЙИЛДАГИ ДАСТЛАБКИ БИР МИЛЛИОН МЕТР ГАЗЛАМАНИ ТЎҚИБ ЧИҚАРДИ. ЧУВАШ ТЎҚИМАЧИЛАРИ ТАЙЁРЛАГАН ДАСТЛАБКИ БИР МИЛЛИОН МЕТР ГАЗЛАМАНИНГ 950 МИНГ МЕТРИ БИРИНЧИ СОРТЛИ МАҲСУЛОТДИР. ЯНГИ АРТИКУЛДАГИ БУ ГАЗЛАМАЛАР МОДА БЎЛГАН 124 ХИЛ ГУЛ БИЛАН БЕЗАТИЛГАН.

● Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги заводлар кўп тиражли газеталари редакторларининг бир группаси пойтахтдаги завод газеталарининг иш тажрибасини ўрганиш учун кеча Москвага жўнаб кетди. Улар марказий газеталарнинг етакчи журналистлари билан учрашадилар ва СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини томоша қиладилар.

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЯХШИ СОВҒА ОЛДИЛАР. УЧ ҚАВАТЛИ УНИВЕРМАГ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТОПШИРИЛДИ. БУ УНИВЕРМАГДА ОЛТМИШ СОТУВЧИ ХАРИДОРЛАРГА ХИЗМАТ КУРСАТАДИ.

ФАНИМИЗ КОММУНИЗМ ХИЗМАТИДА

Совет Иттифоқида бевосита қудратли ишлаб чиқарувчи кучга айланган фанимиз коммунизм қурилишида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Узбекистон олимлари бошқа иттифоқдош республикаларнинг олимлари билан биргаликда коммунизм қуриш учун курашнинг олдинги сафида туриб, Ватан фанининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшяптилар.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасалари, министрлик ва бошқармаларга қарашли илмий тадқиқот институтлари бир қатор муҳим текширишлар олиб боряптилар. Республика олимлари фақат 1963 йилнинг ўзидагина 3850 илмий тема устида иш олиб бордилар. Ҳозирги вақтда ана шу илмий ишлардан кўпчилигининг натижаси халқ хўжалигида қўлланиляпти. Кейинги беш йил ичида янги техника ва илғор технологияга тааллуқли 4500 га яқин йирик текширишлар самараси республика халқ хўжалигига жорий этилди. Фақат химия саноатига жорий этилган фан муваффақиятларидан 30 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий фойда кўрилди.

Узбекистон ССР Фанлар академияси томонидан физика электроникаси, амалий физика, ҳисоблаш математикаси, айниқса математиканинг топология, эҳтимоллилик назариясининг чегарали теоремалари соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мамлакат олимлари томонидан кенг эътироф этилмоқда. Олимлар республика территориясида ва унга туташ бўлган районларда геологик текширишлар олиб бориш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришдилар.

Кейинги йилларда республика олимлари биология ва медицина фанларини янада ривожлантиришда ҳам кўпгина ишлар қилдилар.

Республиканинг етакчи селекционерлари сабзавот, мева ва полиз экинларининг бир қатор янги сортларини, қўй ва эчкиларнинг кўп маҳсулот берадиган янги наслларини яратдилар.

Тошкент политехника институтида саноат ва қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган цианамид кальцийни карбидсиз усул билан олиш технологияси ишлаб чиқилди. Тошкент Давлат университетининг лабораторияларида қишлоқ хўжалигида механизациядан кенгроқ фойдаланишга имкон берувчи 19 та актив препарат синтезлаштирилди ва синовдан ўтказилди.

КПСС XX, XXI ва XXII съездлари томонидан белгилаб берилган партия бош йўлининг оғишмай амалга оширилиши республикада ижтимоий фанларни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. Ижтимоий фанлар соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида қироатхонлик, догматизмга, назариянинг турмушдан ажралишига маълум даражада барҳам берилди.

Бироқ кўпчилик илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари олимларининг куч-ғайратини фан ва техниканинг муҳим масалаларини ҳал қилишга, ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган перспективали илмий тадқиқотларни олиб боришга, техника прогрессининг принципиал янги имкониятларини очиб бериш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш учун тавсия этишга сафарбар этмаётирлар.

Бир қатор илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари илмий тадқиқот ишларини олиб боришнинг эски методларидан ҳануз воз кечганларича йўқ. Илмий муассасаларнинг фаолиятида майда темалар устида ишлаш, ҳаётдан ажралиш, куч ва маблағларни кам аҳамиятли ва етарли актуалликка эга бўлмаган темаларга сочиб юбориш каби камчиликлар ҳамон давом этиб келяпти.

Республикадаги бир қатор илмий муассасалар ишидаги камчиликлардан яна бири шундан иборатки, улар илмий ишларни тамомлаш муддатларини ўзбошимчалик билан узайтира берадилар. Амалда бу институтлар йиллар давомида фанга ҳам, ишлаб чиқаришга ҳам ҳеч қандай фойда келтирмаслигига олиб келади. Энергетика ва автоматика институтининг юқори кучланиш лабораторияси Урта Осиё шароитида табиий факторларнинг юқори вольтли установкалар ва электр узатиш линиялари ишига кўрсатадиган таъсирини ўрганишга қарийб 8 йил вақт сарфлади. Шу давр мобайнида лаборатория энергетика саноатига бирон жиддий амалий тавсия бермади, ваҳолонки бу лабораторияга давлат ҳар йили 70 минг сўмдан маблағ сарфлаб келди. Узбекистон ССР Фанлар академияси системасидаги бир қатор институтларнинг лабораториялари фаолиятида ҳам ана шундай ҳол содир бўлди.

Бир қатор илмий муассасаларда олимларнинг кўп куч-ғайрати ва катта маблағ сарфланган, лекин ҳали тамомланмаган илмий тадқиқот ишларини пландан ўчириб юбориш одат тусига кирганки, бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Санъатшунослик институтида ўтган йили бир йўлакай бешта тема пландан ўчирилди. Унга 13,6 минг сўм сарфланган эди. Типовой ва экспериментал лойиҳалаш зона институтида шу йилнинг бошида 6 та тема пландан ўчирилган. Унга 1962 йилдан буён 119 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Партиямиз ижтимоий фанлар соҳасида ишлаётган олимлар олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўймоқда. Шуни айтиш керакки, фаннинг бу соҳасида ишлаётган олимлар кейинги йилларда кўпгина фойдали ишлар қилдилар. Аммо кўпчилик тарихчи олимларимиз, адабиётшуносларимиз, философларимиз, экономистларимиз ва лингвистларимиз коммунистик қурилиш проблемалари, ижтимоий фанларнинг актуал масалалари устида ҳануз жуда қониқарсиз иш олиб боряптилар.

Республикада илмий тадқиқот ишларини олиб боришдаги ана шу камчиликларнинг ҳаммаси шу сабабли юз бермоқдаки, Узбекистон ССР Министрлар Советининг илмий тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитети, республика Фанлар академияси, Олий ва махсус ўрта таълим, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш, Соғлиқни сақлаш министрликлари ҳамда республиканинг бошқа министрликлари илмий тадқиқот ишларини ташкил этишга ҳамон бўш раҳбарлик қиляптилар, уни етарли равишда координациялаштирмаётирлар. Айниқса Фанлар академиясининг институтларида илмий тадқиқотларни координациялаш ёмон йўлга қўйилган. Шунингдек, олий ўқув юртлари, турли министрликларга қарашли институтлар ва бошқа илмий муассасаларда табиий ва гуманитар фанлар соҳасида ана шундай аҳвол рўй беряпти.

Партия олимлар олдига фан янгиликларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш каби энг муҳим вазифани қўймоқда. Буни коммунизм қурилишининг улкан вазифалари, турмушнинг ўзи талаб этяпти. Қишлоқ меҳнаткашлари, саноат ва қурилишнинг барча соҳалари олимлардан амалий ёрдам кутмоқда. Афсуски, фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш иши кўнгилдагидек эмас. Агар ишлаб чиқаришнинг ихтиро этилган янги прогрессив имкониятлари амалда қўлланилмаётган бўлса, олим ўз ишини тугатдим деб айта олмайди.

Партия ва халқ фан олдига қўйган жуда катта вазифаларни олимларимизнинг сафи малакали, ташаббускор ёш илмий ходимлар билан муттасил равишда тўлдириб борилсагина тўла-тўкис бажариш мумкин. Республикамизда илмий кадрлар тайёрлаш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Аммо ҳаёт талаби тобора ўсмоқда. Фаннинг кўпгина ҳал қилувчи тармоқлари, даставвал физика-математика, химия, техника, қишлоқ хўжалиги соҳалари кўпдан буён юқори малакали кадрларга жуда муҳтож бўлиб келяпти. Шунга қарамай ана шу мутахассисликлар бўйича аспирантлар қабул қилиш плани йил сайин бажарилмай қолмоқда.

Илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги жиддий камчиликлардан бири шундан иборатки, аспирантурага истеъдодли ёшлар билан бир қаторда, кўп ҳолларда илмий иш олиб боришга қобилиятсиз кишилар ҳам қабул қилинмоқда. Натижада аспирантларнинг бир қисми ўқишдан чиқариб юборилляпти, илмий кадрлар тайёрлашга сарфланаётган маблағларнинг маълум даражаси фойдасиз кетяпти. Фақат кейинги икки йил ичида 338 киши аспирантлар сафидан чиқариб юборилди.

Узбекистон ССР Фанлар академияси, министрликлар, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг раҳбарлари, айниқса партия ташкилотлари илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги аҳволни тубдан яхшилашлари, аспирантлар билан ишлашни яхши йўлга қўйишлари, илмий кадрлар тайёрлашнинг бошқа формаларидан тўлароқ фойдаланишлари, олимларга ўз фаолиятларини такомиллаштиришда, ўсиш ва олға ҳаракат қилишда кўмаклашишлари зарур. Илмий кадрлар билан ишлаганда уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини оширишга алоҳида эътибор бериш керак.

Совет олими — фаннинг бирон бир тор доирасидаги оддий малакали мутахассисгина эмас. У партиянинг коммунистик қурилишнинг энг муҳим участкаларидан бирига қўйилган актив жангчисидир. Шу сабабли илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари партия ташкилотларининг асосий вазифаси — республикада фаннинг янада ривожланиши учун, унинг ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасини мустаҳкамлаш учун барча олимларнинг жавобгарлик ҳиссини оширишдан иборатдир. Шаҳар ва область партия комитетлари илмий текшириш ишлари савиясини юксак талаблар даражасига кўтаришда актив ёрдам беришлари, илмий муассасалар, институтлар партия ташкилотларига раҳбарликни янада яхшилашлари лозим.

АЪЛО СИФАТ УЧУН

МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ...

◆ Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг жаҳон тан берадиган аъло сифатли маҳсулотлар тайёрлайлик деган чақириғига Бухоро фабрикаларининг меҳнат аҳли «лаббай» деб жавоб бермоқда. Улар сифат суръатнинг доимий йўлдоши бўлиши керак дейишмоқда. Шаҳардаги «ВЛКСМ XX йиллиги» тикувчилик фабрикаси коллективи чақириққа амалий жавоб ҳозирламоқда. Тикувчилар ҳозиргача январнинг биринчи ўн кунлик топшириғини адо этиб қўйдилар. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 97 проценти фақат биринчи сортга топширилди. 1100 метр газлама тежаб қолинди. Фабрика коллективи истеъмолчилар талабини ҳисобга олиб кийим-кечакларнинг ўндан ортиқ янги моделини ишлаб чиқаришга киришди.

◆ Шунингдек, шаҳардаги трикотаж фабрика коллективи ҳам маҳсулот сифатига эътиборни кучайтирмоқда. Илгари бу фабрика кўп йиллар давомида қолоқ корхоналар қаторида эди. Унда ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилмаган ва автоматлаштирилмаган эди. Цехларга янги ускуналар ўрнатилиши натижасида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бир йилнинг ўзида икки баравар ортди. 1964 йил плани ноябрь ойи бошларидаёқ адо этиб қўйилди. Бир йил ичида фабрикада 83 минг сўм соф фойда олинди.

Трикотаж фабрика коллективи янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ суръатга суръат қўшиб ишламоқда. Ҳар куни планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Янги йилнинг ўтган кунлари ичида устки ва ички трикотаж кийимларнинг тўрт хил янги моделини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Коммунистик меҳнат зарбдорлари Саида Раҳимова, Шарофат Ҳамидова, Зуҳра Отаева, Ҳабиба Сатторова сингари ўнлаб чеварлар ҳар сменада пландан ташқари кийим-кечак тайёрлашга эришмоқдалар. Улар ишлаб чиқараётган кийим-кечаклар фақат аъло сортларга қабул қилинаётир.

М. Бақоев,
«Совет Узбекистони» мухбири.

◆ «Узбексельмаш» заводи деганимизда ҳаёлга сеялка кони келади. Машинасозлар ўтган йили пландан ташқари 800 та сеялка, 300 дан ортиқ гербицид солиш учун аэрозоль мослама ва анчагина ерга тўкилиб қолган пахтани териб кетадиган машиналар тайёрлаган эдилар. Бу йил эса 6500 сеялка, 3500 ерга тўкилган пахтани терадиган машина тайёрланади. Заводимиз коллективи олинган мажбуриятларни бажариш учун ғайрат билан ишламоқда.

Ж. Пирмуҳамедов,
корхона инженери.

Сиз юқоридаги суратда Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг илғор ишчиси Н. Темирхоновни кўриб турибсиз. У иккинчи механика цехида разметкачи бўлиб ишлайди. Н. Темирхонов ҳар бир деталнинг жон куйдириб аниқ ўлчашга ҳаракат қилади. Унгдаги суратда эса Тошкент трактор йиғув заводининг йиғув цехи ишчиси Ғ. Донийёровни кўриб турибсиз. Цех коллективи ҳар куни 20 ўрнига 23 тадан тракторни конвейердан туширмоқда. Ғ. Донийёров цех илғорларидан ҳисобланади.

А. Палехов ва А. Тўраев фотолари.

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк», Энгельс номли колхозлар ва «Горняк» боғдорчилик совхозининг чорвадорлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш учун курашиб, бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар давлатга ва халқимизга тобора кўпроқ гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб беряптилар.

«Горняк» совхозининг ўртоқ Н. Горяшенко бошлиқ механизациялашган сут-товар фермаси коллективи ўтган йили давлатга 1.700 ўрнига 1.750 центнер сут топшириб, планни ошириб бажарди. Моҳир сут соғувчи ўртоқ Анна Воронина, айниқса катта муваффақиятга эришди. У ўз боқимидаги ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 3.880 литрдан — ҳаммаси бўлиб 62 тонадан кўпроқ сут соғиб олди.

«Северний маяк» колхозининг чорвадорлари ҳам етти йилликнинг олтинчи йилини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Колхоз давлатга 420 ўрнига 446 тонна сут сотиб, планни ошириб бажарди. Бунга илғор сут соғувчилар катта ҳисса қўшишди. Жумладан, Наталия Ситникова ўзига бириктиб қўйилган 19 бош сигирдан 37 тонна, Рая Сухова эса 16 бош сигирдан 31 тонна сут соғиб олди.

Сут-товар фермасидаги сигирлар хилма-хил озуқалардан иборат рацион асосида боқиляпти. Ҳар бир сигирга бир кеча-кундузда 2,5 килограмм пичан, 2 килограммдан силос ва кунжара ҳамда бошқа хил концентрат озуқалар берилади. Бу вазифа молбоқар Давлат Баратов зиммасига юклатилган. У ўз бурчини ҳалоллик билан бажариб, сигирларнинг сутига сут қўшяпти.

Энгельс номли колхоз ўтган йили давлатга гўшт, сут ва жун сотиш йиллик планларини муддатидан анча илгари бажарди. Давлатга пландаги 147 ўрнига 160 тонна сут топширилди. Сут-товар фермасида ўзининг ҳалол меҳнати билан кўпчилик ҳурматини қозонган илғор кишилар кўп. Ҳуриниса Жуманова ва область Советининг депутати Тўйгул Ўралова ўртоқлар шулар жумласидандир. Ўртоқ Жуманова ҳар бир сигирдан соғиб олган сутнинг миқдори ҳозир 4.100 литрга етди. Ўртоқ Ўралова эса ҳар сигирдан 3.800 литрдан сут соғиб олди.

Бу хўжаликларнинг чорвадорлари янги йилнинг бошиданоқ гўшт, сут мўл бўлсин деган яхши ният билан меҳнат қиляптилар. Улар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтирамиз демоқдалар.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

А. И. Микоян ва А. Н. Косигин ўртоқлар Лю-Шао-ци, Чжу Дэ ва Чжоу Энь-лай ўртоқларга телеграмма юбориб, Лю Шао-ци Хитой Халқ Республикасининг раиси қилиб, Чжу Дэ Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси доимий комитетининг раиси қилиб сайланганлиги ва Чжоу Эньлай ХХР Давлат кенгашининг бош министри лавозимига тайинланганлиги муносабати билан уларни қизғин табрикладилар.

Совет кишилари, дейилади телеграммада, қардош Хитой халқининг ҳар бир муваффақиятидан астойдил қувонмоқдалар ҳамда унга социализм қурилишида, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда янги ғалабалар тилайдилар.

Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни ва жуда яқин ҳамкорликни социалистик интернационализм принциплари асосида янада самарали тарзда ривожлантириш — империализмга ва унинг агрессив режаларига қарши, тинчлик, озодлик, миллий мустақиллик, социал тараққиёт учун, коммунизм порлоқ идеалларининг ғалабаси учун бутун меҳнаткаш инсоният олиб бораётган курашдаги умумий ишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ишонч билдирилади телеграммада. (ТАСС).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

БАМАКО, 6 январь. (ТАСС). Малида меҳмон бўлиб турган КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Ш. Р. Рашидов кеча Мали Республикаси президенти, Судан Иттифоқи партиясининг бош секретари Модибо Кейтага КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсий мактубини топширди. М. Кейта ўзингиз учун қулай фурсатда Совет Иттифоқига ташриф буюрсангиз, деб мактубда айтилган таклифни қабул қилиб олди ҳамда келгуси йили Мали партия делегациясини Совет Иттифоқига юборишни таклиф қилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига миннатдорчилик билдирди.

КПСС делегациясининг аъзолари бугун эрталаб Судан Иттифоқи партиясининг сиёсий секретари Идрисса Диарра билан учрашдилар. Идрисса Диарра КПСС делегациясини Партия уйида қизғин табриклади ҳамда уйнинг халқ маблағлари ҳисобига қурилганлигини совет меҳмонларига сўзлаб берди. Совет коммунистлари, деди Идрисса Диарра, бизнинг Партия уйимизни худди ўз уйларидек сеза беришлари мумкин.

КПСС делегациясининг бошлиғи Ш. Р. Рашидов КПСС билан Судан Иттифоқи партияси ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётганлигига КПСС Марказий Комитети номидан зўр мамнуният изҳор этди. Ш. Р. Рашидов КПСС Марказий Комитети Судан Иттифоқи партиясига тортиқ тариқасида Бамакода олий партия мактаби учун бино қуриб беришга қарор қилганлигини айтди.

Идрисса Диарра дўстона ёрдам учун миннатдорчилик билдириб, иккала партия ўртасидаги алоқалар Судан Иттифоқи партиясининг ишига идеология соҳасида ғоят мадад бермоқда, деб таъкидлади. Партия кадрларини тарбиялаш, деди у, биз учун асосий масаладир, бинобарин, шу сабабдан олий партия мактабининг қурилиши Малининг социализм йўлидан ривожланиб боришига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Кундузи совет меҳмонлари республика маҳсулот ишлаш саноатининг тўнғич корхонаси — социалистик мамлакатлар ёрдами билан ўтган йили Багиндада қурилган консерва заводи билан танишдилар. Делегация аъзолари заводнинг цехларини кўздан кечирдилар, ишчилар, техниклар билан, Бамако округидаги партия ташкилотларининг раҳбарлари билан дўстона суҳбатлашдилар.

Куннинг иккинчи ярми совет мутахассисларининг лойиҳаларига асосан СССР ёрдами билан барпо этилаётган пойтахтдаги янги қурилишларни кўздан кечириш билан ўтди.

Делегация спорт комплексини, медицина мактабини, профессионал-техника таълими марказини бориб кўрди.

Делегация эртага мамлакат бўйлаб сафарга чиқади.

Ўрта Осиё РЕСПУБЛИКАЛАРИДА

● *ТОЖИКИСТОН ССРНИНГ ҚЎРҒОНТЕПА РАЙОНИДАГИ КУЙБИШЕВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ДЕҲҚОНЛАРИ БУ ЙИЛ БИРИНЧИ ҲОСИЛ ОЛИШДИ. УЛАР ЭЛЛИК ТОННА ЛАВЛАГИНИ КАВЛАБ ОЛИБ, СУТ-ТОВАР ФЕРМАСИГА ЮБОРИШДИ.*

БУ ХЎЖАЛИКДА ҲОСИЛИ ҚИШДА ОЛИНАДИГАН ЛАВЛАГИ ЭКИЛМОҚДА. БУ ЛАВЛАГИ ПАХТА ВА БОШҚА ЭКИНЛАРДАН БЎШАБ ҚОЛГАН ЕРЛАРГА ЭКИЛМОҚДА. АПРЕЛДА БЕДА ҲОСИЛИ БИРИНЧИ МАРТА ЎРИБ ОЛИНГУНЧА СИГИРЛАР МАНА ШУ ЯНГИ ЛАВЛАГИ БИЛАН БОҚИБ ТУРИЛАДИ. СИГИРЛАР МАНА ШУНДАЙ ЯНГИ ОЗУҚА БИЛАН БОҚИЛИБ ТУРИЛГАНЛИГИ САБАБЛИ УЛАРНИНГ СУТИ ҚИШДА ҲАМ КАМАЙМАЙДИ.

● САМАРҚАНД. Кўпинча экинларни нобуд қилиб кетаётган сойлар энди деҳқонларнинг кўмакдоши бўлиб қолиши мумкин. Самарқанд университетининг олими А. Саидов Зарафшон водийсининг ўнг қирғоғидаги сойларни текшириб кўргач, ана шундай сойлардан кичкина сув омборлари барпо этишни таклиф қилди. Баҳорги сув тошқини вақтида тоғлардан оқиб тушаётган сойлар сувини шундай иншоотларга тўплаб, далалардаги экинларни ҳалокатдан сақлаб қолиш мумкин.

А. Саидов Қорасув, Олтинсой, Тасмачи, Оқтепа ва бошқа сойларга тўғон солишни тавсия қилади. Бу тўғонлар кўкламда неча ўн миллион куб метр сувни тўплаб олишга ёрдам беради. Шу сув билан қарийб қирқ минг гектар лалмикор ерни суғорса бўлади.

«Улус» совхозидаги кичкина сойларда барпо этилган дастлабки сув омборлари лалмикор ерлардаги токзорлар, бедапоялар, полиз ва резаворларни суғормоқда.

● Бундан бир неча йил илгари Жанубий Қирғизистондаги Октябрь тоғли мевазор участкасида синаб кўриш мақсадида чет эл селекционерлари яратган нок ва олма кўчатлари ўтқазилган эди. Ўтган йил кузда боғбонлар биринчи ҳосилни йиғиб олдилар. Чет элдан келтирилган мева кўчатлари қирғиз ерида яхши ўсганлиги маълум бўлди. Айниқса бундан бир йил илгари ўтқазилган Америка қишки нави — «делишес» ва Англия нави — «Лондон пепини» икки ёшли кўчатларининг меваси йирик ҳамда сершира бўлди. Франциянинг қишки «бере клержо», «сенжермен», «кюре» ва Бельгиянинг «бере ардапон» навли ноклари жуда хушбўй ва ширин экан.

Ҳозир бу участкада олманинг 60 дан ва нокнинг 20 дан ортиқ нави синаб кўриляпти. Уларнинг кўпчилигини ҳам чет эл селекционерлари етиштирган.

● НЕБИТ-ДОҒ. 1965 ЙИЛ АРАФАСИДА «ЛЕНИННЕФТЬ» НЕФТЬ КОНИ БОШҚАРМАСИНИНГ БИРИНЧИ КОНДАГИ НЕФТЧИЛАРИ 288-ҚУДУҚНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИЛАР. ҚУДУҚ СУТКАСИГА 115 ТОННА НЕФТЬ БЕРА ОЛАДИ. ШУНИНГДЕК, 1964 ЙИЛНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИДА НЕФТЧИЛАР ЯНА БИР НЕЧА ҚУДУҚНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИЛАР. ҚУДУҚЛАРНИНГ БИРИН-КЕТИН ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИБ БОРИЛИШИ ЕР ОСТИДАН БОРГАН САРИ КЎПЛАБ НЕФТЬ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА.

● Тожикистонда биринчи зонал агрохимия лабораторияси очилди. Лаборатория пахта, дон, сабзавот, мева ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича республиканинг йирик базаси — Ҳисор водийси колхоз ва совхозларига хизмат кўрсатади.

Чирчиқ электрохимия комбинатига Насиба Йўлдошева бундан етти йил муқаддам аппаратчи бўлиб ишга келган эди. Шундан буён у кунлик топшириқларни ошириб бажариб, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаб келди. Ҳозир Насиба комбинатда смена мастери бўлиб ишламоқда. Шунингдек, бу йил Тошкент политехника институтини битириб чиқади. Суратда: Насиба Йўлдошева.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Советлар мамлакатида

ДУБНА ОЛИМЛАРИ ҲУЗУРИДА

ДУБНА, (Москва области). Янги экспериментал аппарат — суюқ водород қавариқли камера синовдан ўтказилди. Бу камера бир неча миллиард электроновольт энергия шароитида ядро зарраҷаларининг бир-бирига таъсирини ўрганиш учун ишлатилади.

Академик В. И. Векслер Ядро тадқиқотлари бирлашган институти илмий кенгашининг XVII сессиясида ўзи раҳбарлик қилаётган юксак энергиялар лабораториясининг 1964 йилдаги иш якунлари тўғрисида қилган докладида мана шу янги камера ишга туширилганлигини айтди.

Илмий кенгаш аъзолари — социалистик мамлакатларнинг етакчи физиклари ядро заррачалари изларининг янги камерада олинган биринчи суратлари билан танишдилар.

«РУС ҚИШИ» БАЙРАМИ

МОСКВА, (ТАСС). «РУС ҚИШИ» ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИНИ КЎРИШ УЧУН 5 ЯНВАРДА КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИГА КЕЛГАН КИШИЛАРНИНГ ҲАММАСИ ЎЗЛАРИНИ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ ОЛАМИГА КИРИБ ҚОЛГАНДЕК ҲИС ҚИЛДИЛАР.

БУ САНЪАТ БАЙРАМИ ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА ВА КОНЦЕРТ ЗАЛЛАРИДА 12 КУН ДАВОМ ҚИЛДИ. «МОСКВА ЮЛДУЗЛАРИ» ЭЛЛИКТА СПЕКТАКЛЬ ВА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ КЎРСАТДИЛАР. МАНА ЭНДИ «РУС ҚИШИ»НИНГ ҲАММА МЎЪЖИЗАЛАРИ ФЕСТИВАЛНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КУНИДА БИТТА ПРОГРАММАДА БИРЛАШТИРИЛДИ.

БУ КОНЦЕРТГА БОЛЬШОЙ ТЕАТР ОРКЕСТРИ, ДОНГИ КЕТГАН РАҚҚОСА МАЙЯ ПЛИСЕЦКАЯ, «КАТТА БАЛЕТ»НИНГ ЁШ ЮЛДУЗЛАРИ — БЕССМЕРТНОВА ВА М. ЛИЕПЕ, Е. МАКСИМОВА ВА В. ВАСИЛЬЕВ, БОЛЬШОЙ ТЕАТРНИНГ АЖОЙИБ ОПЕРА АШУЛАЧИЛАРИ И. АРХИПОВА, И. ПЕТРОВ, МОИСЕЕВ АНСАМБЛИНИНГ ВА А. В. АЛЕКСАНДРОВ НОМЛИ ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ АНСАМБЛНИНГ АРТИСТЛАРИ ҚАТНАШДИЛАР.

ЯНГИ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ҲАВО ЙЎЛИ

Пассажирлар ташийдиган «АН-24» самолети Москва-Ижевск-Тюмень трассасида биринчи марта сафар қилиб қайтди. Бу — янги йилда очилган биринчи ҳаво йўли бўлди.

Шу вақтгача Москвадан Тюменга бориш учун самолёт олти соатдан кўпроқ йўл босар эди. Пассажирларнинг бир самолётдан иккинчи самолётга ўтиши, самолётларнинг об-ҳаво ёмонлиги сабабли учмай тўхтаб қолиши пассажирларга анча қийинчилик туғдирар эди. Энди пассажирлар Москвадан Тюменга учиб бориш учун деярли икки баравар кам вақт сарфлайдилар. Шу йўлда қатнайдиган «АН-24» самолётлари об-ҳавонинг ёмонлигини сира «писанд» қилмайди.

МАМЛАКАТНИНГ ФОТОТЕЛЕГРАФ АЛОҚАСИ

Москва билан Владивосток ўртасида қурилган ва Совет Иттифоқида энг катта бўлган биринчи фототелеграф линиясининг синовлари бошланди. Бу линиянинг охирги пунктлари — СССР Алоқа министрлигининг Марказий телеграфи ва Владивосток телеграфи энг мукаммал фототелеграф аппаратлари билан ва радиотехника воситалари билан ускуналанди.

Иккала шаҳар ўртасида фототелеграммалар айирбошлашнинг навбатдаги сеанси ўтказилди. Бу сеанс радиоэлектроника техникасининг яхши ишлаётганлигини яна бир марта исботлади.

Ҳозир Москва билан иттифоқдош республикаларнинг ҳамма пойтахтлари ва ўлка, область марказлари, мамлакатнинг кўпгина саноат корхоналари, шунингдек ўттизта чет мамлакатларнинг пойтахтлари фототелеграф орқали бевосита алоқа қилмоқда.

ЯХШИ КИШИЛАРИМИЗ

ҚИЗИЛҚУМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Қизилқумда қиш. Океан тўлқинларидек қум барханлари оппоқ чодирга бурканди.

Барханлар оша шамолга қарши «Москвич» рулини моҳирона бошқариб келаётган чўпон Тош оға табиатнинг бу «ҳазили»дан завқланиб не-неларни хаёлидан ўтказмайди, дейсиз!

Қизилқум бир вақтлар чўпонларнинг ёвуз душмани бўлган. Эндиликда Қизилқум совет кишисига таслим бўлди. Фойдасиз саҳро дурдоналар диёрига айланди. Тош оға ҳам шу қумлар орасидан бахтини излаб топди. Шунинг учун ҳам чўпон йигит қум тепаликларига меҳр тўла кўзлари билан боқади.

Ўтган йили ҳам Қизилқумда қиш қаттиқ келди. Лекин Тош оғанинг ёз ва куз фаслларида яхши боқиб семиртирилган қўйлари ҳар қандай бўронли кунларни ҳам назар-писанд қилмай, қишловдан бехатар чиқди. Тош Тўлешев ҳар юз бош совлиқдан 210 тадан дуркин қўзи олибди деган хушхабар бутун Қизилқумга ёйилди. Кейинчалик унинг қувончига яна янги қувончлар қўшилди. Давлатга жун, қоракўл тери, гўшт етказиб бериш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. 479 ўрнига 1074 та сифатли қоракўл тери топширилиб, бу соҳадаги план 224 процент адо этилди.

Совхоз дирекцияси иш ҳақидан ташқари Тош Тўлешевни ўйлаб қўзи ва 1200 сўм пул билан мукофотлади. Тош оға ҳозир ҳар юз совлиқдан 220 тадан қўзи топшириш тўғрисидаги бу йилги мажбуриятини бажариш учун нималар қилиш кераклигини ўйлаб борарди.

Моҳир чўпон Тош Тўлешев қўй боқаётган Фориш районидаги «Қизилқум» совхозида баҳодирлар кўп. Ж. Асанов, Б. Булетаев, М. Дўсанов, Т. Қўрғонбоев, Б. Жафабоев каби чўпонларнинг ҳар бири бултур кўкламда 100 бош қўй ҳисобига 190-200 тадан қўзи олиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган эди. Бу чўпонлар ҳам Тош Тўлешев каби чорва қишловини муваффақиятли ўтказмоқдалар ва ҳар юз совлиқдан 205-210 тадан қўзи олишга аҳд қилиб ишламоқдалар.

«Қизилқум» совхози чорвадорлари қишловни ҳам муваффақиятли ўтказмоқдалар. Жамғарилган 7218 тонна дағал хашак қишлов жойларига ташиб келтирилиб, қўйларга майдалаб берилмоқда. Бундан ташқари 1129 тонна концентрат озуқа жамғариб қўйилган. Қизилқумликлар бирор бош ҳам қўйни қишдан нобуд қилмай асраб чиқиш учун ҳамма тадбирларни амалга ошироятилар.

М. СУЛТОНОВ.
Сирдарё области.

● ● ● ●

Шифокор Рихситилла Ғаниев кўп йиллардан бери республика қон қуйиш ва гемотология илмий текшириш институтида ишлайди. У бир неча беморларни ўлим чангалидан олиб қолди, уларга қайта ҳаёт бахш этди. Суратда: хирург Р. Ғаниев навбатдаги операция олдидан.

А. Тўраев фотоси.

ХОНАДОНЛАРДА ЗАНГОРИ АЛАНГА

Наманагандаги 5-газлаштириш трести ташкил топгандан буён унинг ишчан коллективи 11 минг хонадонда зангори аланга ёқди.

Трест коллективи ўтган йилда 1400 хонадонни газлаштириш ва 1272 тонна газ сотишни мўлжаллаган эди. Улар фидокорона ишлаш туфайли бу маррага республикамизнинг қирқ йиллик тўйигача етдилар. Йиллик план 20 октябрда ошириб адо этилди. Шундан кейин йил охиригача трест газчилари 660 хонадонни газлаштиришга муваффақ бўлдилар. Бу билан 1964 йилда 2060 хонадонда зангори аланга ёқилди. 1307 тонна газ сотилди. Бундан ташқари трест газчилари 310 та янги квартира ва 65 маиший коммунал-хўжалик муассасаларини ҳам газлаштирдилар.

Хонадонларга узлуксиз газ етказиб бериш ва плиталарнинг нормал ишлашини таъминлашда слесарлар А. Юсупов, Э. Эшондадаев, А. Баннаев, шофёрлар Т. Қодиров, И. Қаюмов, мастер Ҳ. Аҳмедов сингари кўплаб газчилар намуна кўрсатиб ишладилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
5-газлаштириш трестининг старший инженери.

Қисқа сатрлар

◆ Бухоро. Навоий бошқармасидаги «Коммунизм» совхози марказида икки қаватли янги ясли биноси ишга туширилди.

А. Эргашев.

◆ Фарғона. Қўқон шаҳридаги Ҳамза номли театр коллективи «Фарғона ҳикояси» мюзикли комедияни саҳналаштирди.

Н. Улмасов.

◆ Андижон. Янгиқўрғон район халқ маориф бўлими турли касбда ишлаётган ёшларнинг билимини ошириш мақсадида кечки ёшлар мактаби ташкил қилди.

С. Турғунов.

◆ Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қошида педагогика билимлари халқ университети ташкил этилди. Университетда уч факультет бор.

Т. Солиев.

◆ Қўқон шаҳридаги «Баҳор» кинотеатри дирекцияси томошабинлардан кўплаб хатлар олди. Томошабинлар кино бошланишдан олдин қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказиб туришни илтимос қилишган. Кино залида ҳар куни қизиқарли суҳбат ва лекциялар ўтказилмоқда.

У. Назаров.

◆ Тошкент область. Юқори Чирчиқ районидаги Сойлиқ қишлоғида хўжалик товарлари магазини қурилиб ишга туширилди. Магазин коллективи хизматидан қишлоқ меҳнаткашлари мамнун бўлмоқдалар.

Н. Худойназаров.

◆ Андижон областидаги Задарё районининг марказида 2 қаватли болалар боғчаси ҳамда қатор уй-жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди.

А. Ортиқов.

◆ Ҳамза Ҳакимзода номидаги ишчилар кооперацияси ходимлари йиллик товар сотиш планини муддатидан олдин бажариб, 2931 минг сўмлик товар сотишга муваффақ бўлдилар. Фарғона область, Ленинград районидаги мазкур кооперация ходимлари янги йилда янгича ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Б. Зиёдқўзиев.

УЗ КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ТУРМУШИМИЗ НУРЛИ БЎЛСИН!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумидан буён ўтган даврда республикамизда бўлганидек, Сурхондарё областида ҳам меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини юксалтириш, эскилик сарқитларини тугатиш, янги инсонни тарбиялаш соҳасида бирмунча ишлар қилинди.

Саноат корхоналарида, совхоз, колхозларда кенг кўламда сиёсий-ташкилотчилик ишлари олиб борилмоқдаки, бу, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини, меҳнатга муҳаббатини ошириш, ишлаб чиқариш ва турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Меҳнаткашларнинг турмуш маданияти тобора юксаляпти. Аммо, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумида таъкидланганидек, аҳолининг баъзи бир қисми ўртасида, хусусан, қишлоқ жойларда турмуш маданияти ҳали орқада қолмоқда. Айрим кишилар меҳнат қилиб топаётган мўл даромадларига яраша маданий ҳаёт кечираётганлари йўқ. Уларнинг уйига кирсангиз, рўзғор анжомларининг аралаш-қуралаш, бетартиблигини кўрасиз. Деворларда қўша-қўша қалин гиламлар осиғлиқ туради-ю, лекин стол, стул, умивальник, вилка, вешалка каби буюмлар бундай хонадонларда деярли кўринмайди. «Топган бошқа-ю, тотган бошқа» деб ана шунга айтилади-да. Яхши турмуш кечириш — яхши еб-ичишгина эмас, балки маданий яшашдан ҳам иборатдир. Бу оилалардаги эскилик сарқитларини тугатиш, турмуш маданиятини юксалтириш — партия ташкилотларининг диққат марказида турибди.

Ана шу кураш процессида идеология ишининг халқ университетлари каби янги формаси ғоят муҳим роль ўйнаётир. Бу университетлар меҳнаткашлар ҳаётига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда, уларнинг севимли жойига айланмоқда. Халқ университетлари кишиларни маркс-ча-ленинча ғолиб таълимот билан, иқтисодий-техника билимлари, илмий атеизм асослари, коммунистик ахлоқ нормалари билан қуроллантирувчи, аҳолига турмушни коммунистик асосларда қайта қуриш йўлларини ўргатувчи чинакам ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қиляпти. Ҳозирги пайтда областимизда ҳар хил 22 та халқ университети ишлаб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумига қадар областда битта — Шўрчи районидаги Жданов номли колхоздагина турмуш маданияти университети бор эди, холос. Пленум қарорларини амалга ошириш учун кураш жараёнида бундай университетлар кўпайди. Ҳозирги пайтда Денов районидаги генерал Собир Раҳимов номли (раиси ўртоқ Қ. Едгоров), Сариосиё районидаги «Коммунизм», Термиз районидаги Карл Маркс номли, Шеробод районидаги Ленин номли колхозларда ва Термиз шаҳрида ҳам турмуш маданияти университети очилган. Бу университетлар қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасида турмушни коммунистик асосларда қайта қуришнинг чинакам тарғиботчилари, ташкилотчилари ролини ўйнамоқда.

Бу университетлар тобора кўпроқ хонадонларга нур сочмоқда. Бу нур кишилар турмушидаги эскича тартибларни, урф-одатларни куйдирмоқда, коммунистик асосларни тикламоқда.

Юксак маданиятли турмуш кўринишдагина гўзал бўлиб қолмай, сиҳат-саломатлик учун, ҳар томонлама ривожланган, жисмоний соғлом, маънавий жиҳатдан баркамол кишини тарбиялаш учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Буни кишилар ҳозирданоқ чуқур ҳис этяптилар.

Турмуш маданиятини юксалтириш учун курашда соғлиқни сақлаш университетлари ҳам катта роль ўйнамоқда. Денов, Сариосиё, Шеробод районларидаги ва Термиз шаҳридаги соғлиқни сақлаш университетлари кишиларга касалликларга қарши кураш, узоқ умр кўриш йўлларини, турмуш гигиенасини ўргатмоқда.

Ҳ. АЗИМОВ,
Ўзбекистон КП Сурхондарё область комитетининг секретари.

<> <>

Халқ университетлари идеология ишининг кишиларга ғоявий-сиёсий ва маданий таъсир кўрсатувчи энг қулай формаси эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, бу форма ишимизда ҳали кенг ўрин олгани йўқ. Айрим партия комитетлари ва партия ташкилотлари турмуш маданияти, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги университетларини кўпайтиришга, ҳуқуқшунослик, илмий атеизм, техника прогресси, коммунистик қурилишнинг назарий проблемаларини ўрганиш университетларини ташкил этишга етарли эътибор бермаётирлар.

Область идеология ходимларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг эътибори халқ университетларининг хилларини кўпайтиришга қаратилди. Ҳозир жойларда бу соҳада тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Турмуш маданиятини юксалтириш — эскилик сарқитларига, диний хурофотларга қарши муросасиз кураш олиб боришни тақозо этади. Аҳолининг бир қисми ҳали ҳам диний хурофотлар таъсирида қолиб келаётганлиги, айрим оилаларда диний урф-одатларга риоя қилинаётганлиги, тўйларни ўтказишда эски, диний сарқитлар сақланиб қолаётганлиги сир эмас. Бундай кўнгилсиз ҳолга қарши кураш партия ташкилотларининг, идеология ходимларининг фаолиятида тобора асосий ўрин эгалламоқда.

Кейинги пайтларда партия ташкилотлари никоҳ тўйларини ўтказишга бошчилик қила бошлади. Бу колхозда тўйлар ортиқча харажатларга, исрофгарчиликка йўл қўйилмай камтарлик билан, шунинг билан бир қаторда тантанали, келин-куёвнинг ҳам, тўйда иштирок этувчиларнинг ҳам эсидан чиқмайдиган қилиб ўтказилмоқда.

Денов районидаги генерал Собир Раҳимов номли, Термиз районидаги «Коммунизм» колхозлари ва бошқа кўплаб хўжаликларнинг партия ташкилотлари ҳам никоҳ тўйларини ўтказишга бевосита раҳбарлик қилаётирлар. Бу ерларда тўйларни ўтказиш комиссиялари ташкил этилган. Тўй харажатларини, ташкилий ишларнинг ҳаммасини ана шу комиссия қилади. Ортиқча харажатларга йўл қўйилмайди, қалин тўлашга барҳам берилган. Тўёна учун кроват, диван, шифонер, чойнак, пиёла, қошиқ, вилка ва шунга ўхшаш янги оила учун зарур бўлган нарсалар келтириш одат бўлиб қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленуми томонидан партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органлари олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири — меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни кескин яхшилашдан иборатдир. Чунки, турмуш маданиятини юксалтиришни меҳнаткашларга, айниқса, хотин-қизларга ғамхўрликни кучайтирмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди. Областимизда бу соҳада бирмунча ишлар қилинмоқда. Областимизда маданий-оқартув муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг тармоқлари йил сайин кенгаймоқда. Китоб, газета, журнал, радио, кино меҳнаткашлар ҳаётига кун сайин чуқур сингиб бормоқда. Колхоз, совхоз қишлоқларида ошхона, новвойхона ва ҳаммомлар кўпаймоқда. Шуни эътироф этиш керакки, қишлоқларимизда корхона, кийим-кечак тикиш, пойафзалларни, радио, радиоприёмник, телевизор, велосипед, мотоциклларни ремонт қилиш устахоналари ташкил этишга ҳали етарли эътибор берилмаётир. Область партия комитети совхоз дирекциялари, колхоз правленелари ва партия ташкилотларининг эътиборини меҳнаткашлар учун ана шу қулайликларни яратишга жалб этяпти.

Кейинги йилларда колхоз қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгарди, улар йил сайин обод, кўркам бўляпти, маъмурий, маданий-маиший бинолар, уй-жойлар кўпроқ қурилмоқда. Колхозчилар зарур қулайликларга эга бўлган янги типдаги уй-жойларга кўчиб ўтяптилар. Ҳозирги пайтда область колхозларидаги 26325 хонадон янги типдаги уй-жойларда яшамоқда. Шунга қарамай, колхоз қишлоқларининг қурилиши, ободонлаштириш, жамиятимиз моддий тараққиёти даражасидан орқада қоляпти. Бир қанча колхозларнинг қишлоқлари ҳаддан ташқари тарқоқ, кўримсиз. Қишлоқларнинг тарқоқлиги меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ғоявий-сиёсий таъсир ўтказиш, ишлаб чиқариш кучларидан максимал фойдаланишда маълум даражада қийинчиликларни туғдирмоқда. Эндиликда ҳар жиҳатдан қулай: электрлаштирилган, радиолаштирилган, газлаштирилган, водопроводли, канализацияли, шинам уйлари, коммунал ва маиший корхоналари, маданий ва медицина муассасалари бўлган шаҳар типидаги посёлкалар қуришнинг вақти келди. Иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам хўжаликлар бу соҳада ташаббус кўрсатишлари керак.

Маданиятлилик — инсоннинг зийнати, ҳар томонлама камолатга эришишнинг муҳим шартидир. Областимиз партия ташкилоти, идеология фронтининг ходимлари аҳолига идеологик таъсир кўрсатишнинг хилма-хил форма ва воситаларидан янада самаралироқ фойдаланиб, меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни тағин ҳам кенг кўламда олиб борадилар, КПСС Программаси, партия Марказий Комитетининг июнь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қарорларига жавобан турмуш маданиятини юксалтириш, янги инсонни тарбиялашдек улкан вазифанинг муваффақиятли ҳал этилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Чала қурилиш

Андижон шаҳрининг биқинида трикотаж фабрикаси қурила бошлаганига роппа-роса бир йил бўлди. Фабрика қурилишига 4 миллион 611 минг сўм ажратилган. Корхона йилига 17 миллион дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, унда 2,5 минг киши ишлаши керак. Фабрика қурилишига сарфланган маблағ икки йилда қопланади. Республикамизда энг йирик трикотаж фабрикаси бўлиб қоладиган бу корхонада химиявий толалардан кенг фойдаланилади.

Ана шундай катта аҳамиятга эга бўлган фабрика қурилиши қандай боряпти? У яқин орада ишга тушадими? Йўқ, афсуски, йўқ. Унинг қачон битиши муаммо бўлиб турибди. 1963 йил планида 700 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак эди. Амалда эса 380 минг сўмлик иш бажарилди, холос. Суръатни қаранг! План 55 процент бажарилибди. Дастлабки планга мувофиқ, фабрика 1965 йилнинг тўртинчи кварталида тўла ишга туширилиши керак эди. Лекин бу планга хамирдан қил суғургандай осонгина ўзгартириш киритилди. Янги план тузилди. Бунга кўра, фабрика 1966 йилнинг охирларида ишга туширила диган бўлди.

Бу ўринда фабрика лойиҳасини тайёрлаган Тошкентдаги 4-лойиҳалаш Давлат институти адресига аччиқ гаплар айтишга тўғри келади. Негаки, фабриканинг суст қурилаётганига даставвал институт лойиҳачилари сабаб бўлдилар. Улар планлаштириш вақтида шошма-шошарликка йўл қўйдилар. Институтнинг дастлаб тайёрлаб юборган лойиҳасида бош корпуснинг томини қат-қатланадиган конструкция билан ёпиш кўзда тутилган эди. Қурувчилар ана шу лойиҳага асосланиб, бош корпус қурилишини бошлаб юбордилар. Лекин бу ишга қанчалик тез киришилган бўлса, у шунчалик тез тўхтатиб қўйилди. Сабаби лойиҳада кўзда тутилган конструкцияларни тайёрлайдиган завод республикамиздагина эмас, ҳатто Урта Осиёда ҳам йўқ экан. Югур-югур, қидир-қидир бошланди. На чора. Йўқни йўндириш иложи бўлмади. Иш тўхтаб қолди. Лойиҳачилар шароитни ҳисобга олмай, тавакалига тахминий лойиҳа тузишгани қурилишга катта зарба бўлди.

Ўтган йилнинг март ойида лойиҳани ўзгартириш тўғрисида юқоридан буйруқ берилди. Шундан кейин институт лойиҳачилари фабрика лойиҳасини яна қайтадан тузиб чиқишга киришдилар. Бу иш роса олти ойга чўзилди. Фабрика қурилиши ана шундай ўлда-жўлда ётган даврда ўнта комиссия келди ва масала охири СССР Госстройигача бориб етди. Ниҳоят қурилиш учун зарур бўлган материалларни тезда етказиб бериш тадбирлари белгиланди. Бироқ орадан анча вақт ўтиб кетган бўлишига қарамасдан, қолган ишга ҳамон қор ёғиб ётибди.

Лойиҳалаш ишлари тугаллангандан кейин қурилиш ишлари жадаллашиб кетгандир, деб ўйларсиз. Асло! Қурилишда ишлаётган қатор ташкилотларнинг раҳбарлари боқибеғамлик йўлига ўтиб олдилар. 162-қурилиш трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси (бошлиғи М. Тумасов) фабрика қурилишида иштирок этаётган асосий пудратчи ташкилотлардан бири ҳисобланади. Уртоқ М. Тумасовга фабрика қурилишидан гап очсангиз ўзига гард юқтирмасликка ҳаракат қилади. Айбни дарров у 162-қурилиш трестига, қолаверса юқори ташкилотларга ағдариб қўя қолади. Аслида эса ундай эмас. Фабрика қурилиши туя гўшти егандек чўзилиб кетяпти. Бунда, албатта 1-қурилиш бошқармаси раҳбарларининг ҳам айби бор. Улар худди шу қурилиш объектида ишни тўғри ташкил эта билмаётирлар.

Ишнинг юришиб кетиши учун зарур бўлган экскаватор, бульдозерлар фабрика қурилишида эмас, ҳафталаб бошқа объектларда ишлатилмоқда. Бундай хўжасизлик бир неча марта содир бўлди. Бунинг устига асоссиз равишда цемент ҳамда шағал ва бошқа қурилиш материаллари объектга ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Оқибатда ўнлаб ишчилар қанча-қанча вақтни бекор ўтказадилар.

Маълумки, қурилишда бир қанча ташкилотлар иштирок этмоқда. Лекин ташкилотлар кўп бўлгани билан ишда силжиш сезилмаяпти. Ҳозир қурилиш деярли тўхтаб қолган. Бош корпуснинг 194 та темир-бетон устунлари ўтган йил баҳордаёқ ўрнатиб қўйилган эди. Ёзда унга ин қўйган лайлакнинг уяси ҳали бузилгани йўқ. Нега шундай бўлди? Бунга сабаб нима? Қурувчилар керакли темир-бетон конструкцияларни топиша олмаётир. «БПС-12» маркали тўсин ва бош корпуснинг девори учун зарур бўлган 24 сантиметр қалинликдаги керамзит-бетон панелларни Уш темир-бетон заводи етказиб бериши керак. Завод раҳбарлари йил бошида ана шундай ваъда беришган. Лекин қурилаётган фабрика директори Г. Асқаров Уш темир-бетон заводи раҳбарларига конструкцияларни қачон етказиб берасизлар деб мурожаат қилди-ю, тарвузи қўлтиғидан тушди-қўйди. Завод раҳбарлари, тайёрлаётган конструкцияларимиз ўзимиздан ортмайди, деб жавоб беришди. Дарҳақиқат, шундай эди.

Тўққиз ойдан сўнг темир-бетон тўсинларни Фарғона темир-бетон заводидан оласизлар деган хабар келди. Шундан кейин Фарғона темир-бетон заводи раҳбарларига мурожаат қилина бошланди. Завод директори ўртоқ Лопунов ҳам:

— Кўнгилларингиз тўқ бўлсин. 1964 йилнинг 15 ноябридан тўсинларни ола бошлайсизлар, — деб ваъда берди.

Мана, янги йил кирди. Ленин ўртоқ Лопунов айтган темир-бетон тўсинлардан ҳали ҳам дарак йўқ. Яқинда бу ҳақда заводга яна мурожаат қилинди. Бу сафар ҳеч кутилмаган жавоб олинди. Ваъдабоз директорнинг айтишича, заводда тўсинларни тайёрлаш учун керак бўладиган «500» маркали цементни сақлашга омбор йўқ эмиш. Шунинг учун устунларни тайёрлаб бериш 1965 йилнинг ёзига қолдирилибди. Бу фабрика қурилиши ҳам ўшангача тўхтаб тураверади, дегани бўлади. Қисқаси, ҳозиргача фабриканинг марказий устахонаси, сувни химиявий йўл билан тозаловчи станция ва бошқа ёрдамчи объектлар чала-чулпа тиклаб қўйилган. Бош корпус устунлари ўрнатилганича турибди.

Титул рўйхат бўйича фабрика атрофида 32 та объект қуриб битказилиши керак. Шундан энди атиги тўрттаси битди. Буни нормал ҳол деб бўлмайди. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, заказчилар билан пудратчи ташкилотлар ўртасидаги алоқа бўш. Айрим ишлар заказчининг айби билан бажарилмай қолмоқда. Улар баъзи объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини ҳанузгача берганлари йўқ. 1964 йилда фақат керакли жиҳозларнинг йўқлиги учун ҳам 91 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмай қолди.

Фабрика қурилиши ана шундай ачинарли аҳволда-ку, ишларни тезлаштириб юборишга қаратилган жиддий тадбирлар амалга оширилмаяпти. Бу аҳвол қачонгача давом этаркин?

С. ШОКАРИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
А. ҚУРОНБОЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИда босилгандан кейин

«ҲАЙФ СЕНГА МУРАББИЙЛИК»

Бухоро область, Навоий район партия комитети «Совет Ўзбекистони» газета редакциясига қуйидагиларни хабар қилди:

Газетанинг 1964 йил 13 декабрь сонида ахлоқ темаси рубрикаси остида «Ҳайф сенга мураббийлик» сарлавҳали танқидий мақола босилиб, унда ўқитувчи Абдуҳаким Имомовнинг совет кишиси қиёфасига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлари фош этилди. Имомов совет ўқитувчиси деган юксак ном ниқоби остида коммунистик ахлоқ нормаларини бузди, ўз меҳрибон онаси ва укалари ҳақида ғамхўрлик қилмади, шахсий манфаатини кўзлаб, боғдаги мевали дарахтларни кўпориб иморат қурди. Бундан жигаргўшалари қаттиқ ранжиди.

Текширишда мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Имомов жамоатчилик олдида ҳамма қилмишларига иқрор бўлди ва онасидан узр сўради. Ўзи истиқомат қилаётган уйни укаларига беражагини айтди. Текшириш якуни район халқ маориф бўлимининг советида муҳокама этилиб, А. Имомовга шахсий делосига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

8 ЯНВАРЬ, 1965 ЙИЛ
№ 5 (12.961).

Моддий резервлар Коммунизм хизматида

БОЙСУН БОЙЛИКЛАРИ

Бойсун ўзининг жуда қадимий тарихига эга бўлган хушманзара, ҳавоси шифобахш тоғли районлардан биридир. Қишин-ёзин яшил либос кийиб, кўм-кўк яшнаб ётган арчазорлар, осмон билан ўпишган баланд тоғлар, ёввойи парранда ва ҳайвонларга бой ўрмонлар, тоғлар орасида шарқираб оқиб ётган сойлар, қайнар булоқлар, мевазор ва токзорлар макони бўлган дилрабо жойдир. Бойсунда илгари етиштирилган ғалла, чорва, ҳар хил мева маҳсулотлари фақат маҳаллий аҳолини таъминлабгина қолмай Сурхондарё области ва қўшни Тожикистон районларига ҳам кўплаб чиқарилган.

Совет даврида Бойсун хўжалигини юксалтириш, аҳолининг моддий ва маданий фаровонлигини яхшилаш соҳасида катта ишлар қилинди. Урушдан олдин Бойсунда 250 минг бошдан кўпроқ қўй, эчки, қорамол, от ва туя, 500 гектар мевали боғ, 600 гектардан кўпроқ токзор бўлган, колхозлар 40 минг гектардан ортиқ ерга ғалла экиб, давлатга 1 миллион пуд дон сотганлар. Колхозларда машҳур ҳисори қўйлар боқилган. 1940 йилларгача илғор колхозлар ҳар гектар ердан 30 центнергача дон, 250 центнердан қовун-тарвуз, ҳар гектар токзордан 250 центнергача узум ҳосили олишган.

Бойсун территориясидаги хўжаликларда ҳозир аҳвол қандай? Бу ернинг табиий ва иқтисодий имкониятларидан қандай фойдаланяпти? Бойсун сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, узум, майиз каби меваларни бошқа районларга чиқариш у ёқда турсин, шу ерли аҳолининг эҳтиёжларини етарли даражада таъминлай олмаяпти. 1963 йилга келиб Бойсунда экин майдони Улуғ Ватан урушидан олдинги вақтдагига қараганда 3 баравар, дон етиштириш 4 баравар камайди. Ҳисори қўйларнинг насли бузилиб, ҳозир гўштга топширилаётган қўйларнинг ўртача оғирлиги 40 килограммдан ошмайди.

Хўш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг бундай орқага кетишига сабаб нима? Бизнингча бунга асосий сабаб, биринчидан, хўжаликка раҳбарлик қилишда баъзи бир хатоларга йўл қўйилганлиги, иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда маҳаллий табиий шароит ҳисобга олинмаганлиги, асрлар мобайнида маҳаллий шароитга мослашиб таркиб топган хўжалик тармоқларига, кўп йиллик тажрибага эга бўлган деҳқончилик усталари, соҳибкорларнинг тажрибаларига яхши эътибор берилмаганлигидир. 1957 йилда ташкил этилган «Бойсун» совхози кейинги йилларда деҳқончилик, чорвачилик ва мевачиликдан зарар кўрувчи хўжаликка айланиб қолди. Совхоз 1958 йилда 84 минг сўм зарар келтирган бўлса, 1963 йилда 494 минг сўм зарар келтирди. Хўжаликни тиклаш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш мақсадида 1964 йилда «Бойсун» совхози территориясида боғдорчилик, узумчилик ва сут чорвачилигига ихтисослашган «Равот» совхози ташкил этилди.

Бойсун совхозларининг тараққий этиши, дон, мева, узум, гўшт, жун, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштириш учун ҳамма имкониятлар бор. Маҳаллий табиий ва иқтисодий имкониятларни ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг кўп йиллик тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, «Бойсун» совхози асосан ҳисори қўйларни кўпайтириш, бўрдоқи қорамолчилик ҳамда ғаллачилик бўйича ихтисослашиши керак. Совхоз территориясининг кўп қисми тоғлиқ ерлардан иборат. 1955 йилгача тоғ яйловларида 40 минг бошгача эчки боқилган. Бироқ кейинги йилларда эчкичилик деярли тугатилди. Чорвачиликнинг бу кераклиги тармоғини тиклаш, сержун эчкиларни кўпайтириш совхоз хўжалигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳисоб-китобларга кўра, Бойсунда эчкилар сонини 50 минг бошгача кўпайтириш учун ҳамма имконият бор. «Бойсун» совхозининг шароити товуқчилик ва куркачиликни тараққий эттиришни тақозо қилади. Шундай қилиб, ҳисори қўйлар ва бўрдоқи қорамолларни кўпайтириш, ғаллачиликни ривожлантириш билан бирга эчкичилик ва паррандачиликни тараққий эттириш «Бойсун» совхози имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳамда совхоз экономикасини тезда юксалтиришга имкон беради.

«Равот» совхозининг табиий ва иқтисодий шароитига қараганда мевачилик, узумчилик ва сут-гўшт чорвачилиги хўжаликнинг асосий тармоқлари бўлиши мақсадга мувофиқ.

Транспорт қатновининг қийинлиги ва йил мобайнида иссиқ кунларнинг кўплигини назарга олиб, бу ерда қуруқ мева ҳамда майиз етиштириш керак. Бойсундаги суғориладиган экин майдонларининг деярли ҳаммаси «Равот» совхози территориясида бўлгани учун бу совхозда маҳаллий аҳоли талабини тўла-тўкис қондириш мақсадида сабзавотчилик, полизчилик ва картошка етиштиришни йўлга қўйиш зарур. Шу билан бирга «Равот» совхозини республикадаги асаларичилик марказларидан бирига айлантириш учун ҳамма имконият бор. Атрофдаги тоғлар эрта баҳордан то кеч кузгача ранг-баранг гулларга қопланиб ётади. Бойсунда асаларичиликни ривожлантириш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган кишилар кўп. Бу ерда асаларичиларнинг ҳар бир қутисидан 60-70 килограммгача асал олинади. Бу тажрибалардан фойдаланиб «Равот» совхозида асаларичилик яхши йўлга қўйилса, у хўжаликка жуда катта даромад келтирувчи тармоққа айланади. Бундан ташқари асаларичилик мева ҳосилини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бойсуннинг ер, сув ва ўсимликларидан тўғри фойдаланишни ташкил қилиш хўжаликларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш соҳасидаги муҳим чоралардандир. Бу ерда сойлар (Авлодсой, Падансой, Кофрунсой ва бошқалар) ҳамда булоқлар кўп. Уларнинг суви билан 6 минг гектарга яқин экин майдони баҳордан кузгача 2-3 марта, баъзи жойларда эса 5-6 мартагача суғорилади. Падансой, Авлодсой ва бошқа баъзи сойларда унча катта бўлмаган сув омборлари қуриб, уларда қор ва баҳордаги ёмғир сувларини тўплаб, тўғри фойдаланилса, суғориладиган ерлар майдонини камида 2 баравар кўпайтириш мумкин. Бу сув омборларини қуришга катта маблағ сарфланмайди.

Ердан фойдаланишни ҳам тубдан яхшилаш мумкин. Алмашлаб экиш учун етарли ер майдони бўлишига қарамай, кўп йиллар бир жойга кетма-кет ғалла экадилар, бунинг устига ерни ҳайдашда унинг қиялиги ҳисобга олинмайди. Оқибатда тупроқнинг маҳсулдор устки қатлами ювилиб кетмоқда. Ҳар гектардан олинадиган дон кейинги 5 йил мобайнида ўрта ҳисобда 3,5-4 центнердан ошмаслигининг асосий сабабларидан бири ҳам шудир. Шунинг учун ердан фойдаланишда, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда тупроқ, сув ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш биргалликда уларни сақлаш ва кўпайтиришга ҳам зўр эътибор бериш керак.

Чорвачиликнинг таркибини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш Бойсун хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан кўтаришда муҳим аҳамиятга эга. Лекин чорвачиликни ривожлантиришга бир томонлама қараш натижасида зотли маҳсулдор ҳайвонларнинг сони йилдан-йилга камайиб, ҳозир фермаларда қўй, эчки ва сигирларнинг жайдари зотлари тўпланиб қолган. Йилқичилик эса бутунлай эътибордан четга сурилмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш, машҳур ҳисори қўйларини ҳамда маҳсулдор қорамолларни кўпайтириш Бойсуннинг ҳозирги мавжуд шароитида катта муаммодир. Қўй ва сигирларнинг наслини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Юқори малакали олимлар ва мутахассисларга эга бўлган Ўрта Осиё чорвачилик илмий текшириш институти Бойсун чорвадорларига яқиндан ёрдам берсалар, бу ердаги совхозларда чорвачиликни тез орада хўжаликнинг зарар берувчи тармоғидан фойда келтирувчи маҳсулдор тармоғига айлантириш мумкин.

Мевачилик ва узумчиликни қишлоқ хўжалигининг товар аҳамиятига эга бўлган тармоғига айлантириш Бойсуннинг иқтисодини тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан биридир. Бойсуннинг табиий шароити мевачиликни ривожлантириш учун жуда қулай. Лекин кейинги йилларда мевачиликка эътибор бермай қўйилганлиги окибатида боғлар ҳамда ҳосилдорлик камайди. Масалан, «Бойсун» совхозида 1958 йилда 550 гектар мевазор бор эди. Кейинги йилларда 120 гектар янги боғ ташкил қилинганига қарамасдан 1963 йилда 490 гектарга тушиб қолди. Шу даврда токзорлар 122 гектар камайиб кетди. Ҳар гектар боғдан 1958 йилда 27,1 центнер ҳосил олинган бўлса, 1962 йилда 14,5 ва 1963 йилда 3,4 центнергина ҳосил олинди. Ер ва сувдан тўғри фойдаланиб, яқин йилларда янгидан 5-6 минг гектар боғ ва токзорлар барпо этиш ҳамда ҳосилдорликни кескин ошириш мумкин. «Равот» ва «Бойсун» совхозлари территориясида маҳаллий шароитга мослашган олма, ёнғоқ, жийда ва узумнинг аъло сифатли ва ҳосилдор навларини танлаб кўпайтириш керак.

Мева етиштиришни кўпайтиришда Бойсун тоғлари ораларида жойлашган водийлардаги боғларнинг аҳамияти катта. Ҳозир «Бойсун» совхозига қарашли бу боғлар бутунлай қаровсиз ташлаб қўйилган. Шу боғларни тиклаш, кенгайтириш учун уларни «Бойсун» совхозидан «Равот» совхозига олиб бериш ҳамда ўша ерда совхознинг махсус мевачилик бўлимини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Бойсуннинг қадимги маҳсулдор хўжалик тармоғи бўлган ғаллачиликни ривожлантириш Сурхондарё областидагина эмас, балки республикада ҳам катта аҳамиятга эга. Ғалла экиладиган майдонларни ташлаб юборилган баҳорикор ерларда кичик механизацияни жорий қилиш ҳисобига 2-2,5 баравар кенгайтириш ҳамда ҳосилдорликни анча кўтариб, ғалла ялпи ҳосилини 1 миллион-1200 минг пудга етказиш мумкин.

Шунингдек Бойсунда пиллачиликни йўлга қўйиш учун тут кўчатларини кўпайтириш, қурт боқиш учун етарли даражада хоналар қуриш, ҳамда пилла тайёрлаш планини маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда илмий жиҳатдан асослаб тузиш керак.

Ниҳоят, Бойсуннинг темир йўлдан узоқда жойлашганлигини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларини тубдан яхшилаш зарур.

Фойдаланилмай келаётган жуда катта имконият ва резерварни коммунизм қурилишига хизмат қилдириш учун юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш жуда ҳам зарур. Токи, Бойсун бойликлари тезда тиклансин!

З. АКРАМОВ,
профессор, география фанлари докторп.

Тоғ этакларидаги хазина ❁ Ҳисори қўйлар ватани ❁ Сув—зар келтиради ❁ **Ташлаб қўйилган лалмикорлар** ❁ Ширин-шакар мева ва узумлар қани? ❁ ***Ҳосилдорлик нега пасайди.***



Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг пахтакорлари мўл ҳосилга пухта замин яратишмоқда. Суғориш шохобчалари тартибга келтириляпти, ер ҳайдаш тўхтовсиз давом эттириляпти, кўплаб маҳаллий ўғит тўпланяпти ва далага ташиб чиқариляпти. Суратда: далага маҳаллий ўғит чиқариш пайти.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КАЛЕНДАРИ

НУКУС, 6 январь. (ЎзТАГ). «Қорақалпоғистон» нашриёти 1965 йилги календарни қорақалпоқ тилида кўп нусхада нашр этди. Бу ерда ана шундай нашр биринчи марта чиқарилмоқда. Календарда орденли Автоном республика тарихидаги энг муҳим воқеалар ва саналар, экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари акс эттирилган.

ЕР ҲАЙДАШДА ЎЗАРО ЁРДАМ

ЯНГИЙЎЛ, 6 январь. (ЎзТАГ). Янгийўл районидаги колхоз ва совхозларнинг механизаторлари шудгорлаш планини бажардилар. 27.442 гектар майдон шудгорланди. Охунбобоев номли, «Шарқ юлдузи», Ленин номли колхозлар шудгорлашни тугалдаганликлари ҳақида биринчи бўлиб рапорт бердилар. Далаларга 31.550 тонна маҳаллий ва минерал ўғит солинди.

Янгийўллик деҳқонлар ер ҳайдашда ўзаро ёрдамни яхши уюштирдилар. Улар: шудгорлашни биринчи бўлиб тугаллаган хўжалик қўшнисига ёрдам беради, деган шиор асосида иш кўрдилар. Масалан, Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари ва «Чиноз» наслчилик совхозининг механизаторлари Жданов номли, Фрунзе номли ва Энгельс номли колхозларнинг далаларида фидокорона меҳнат қилдилар.

20 ЙИЛДАН СЎНГ...

Бу воқеа Қорақалпоғистоннинг пойтахти Нукусда бўлди. «Ватан» кинотеатрида эстон бадиий фильми — «Велосипед ўғрилари» кўрсатилаётган эди. Томошабинлар орасида Нукус ремонт-қурилиш трестининг механиги Александр Кург ҳам ўтирарди. Кадрлар бирма-бир ўта бошлади. Кино авторларининг номлари ёзилмоқда. Улар орасида оператор О. Кург, деган ёзув ҳам бор эди. Александрнинг юраги бир орзиқиб тушди: «Акам эмасмикин?» кўнглидан ўтказди у. Александр ҳаяжонланар, қувонар эди. Эҳтимол бир фамилиядаги, бошқа кишидир... Унинг хаёлида ўтмиш гавдаланди.

...Улуғ Ватан уруши йиллари. Даҳшатли қирғин озмунча одамларнинг ёстиғини қуритмади. Қанчаданқанча оилалар хонавайрон бўлмади, болалар ота муҳаббатидан, ота-оналар ўғ жигарбандларидан, маҳбубалар ёр висолидан жудо бўлдилар. Кўпчилик бошига тушган бу мудҳиш булут Александрлар оиласига ҳам соя солди.

Александр Улуғ Ватан урушидан қайтгач, оила аъзоларидан биртортасини ҳам топа олмади.

Фильмни кўргач, Александр ҳар эҳтимолга қарши Таллин кино студиясига хат ёзди ва ёшлигидаги расмларини хатга қўшиб юборди. Орадан бир неча кун ўтгач. Александрга телеграмма келди. Унда бундай дейилган эди: «Салом, қимматли ўғлим. Қувончимдан кўзимда ёш. Тез етиб кел. Онанг».

Шундай қилиб орадан 20 йил ўтгач, Александр 81 яшар онаси Агафья Федоровна Кульбачна, акаси, сингиллари билан учрашиш бахтига муяссар бўлди.

Е. КАРАКУЛОВА.

МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ—ДАЛАГА

Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзолари маҳаллий ўғит тайёрлашга 20 та отарава, 20 трактор тележкаси ва автомашиналарни сафарбар этдилар. Ҳар куни 120-140 тонна ўғит далага ташиб чиқарилиб, чуқурларда чиритилмоқда.

Н. ИСМОИЛОВ.

Муросасизлар СИГНАЛИ

ЛЕНТА ҚИДИРИБ...

Мен район газетасида машинистка бўлиб ишлайман. Газетани ўз вақтида, мазмунли ва ўқимишли қилиб чиқариш, газетхоналар билан алоқани мустаҳкамлашга қўлимдан келганча ҳисса қўшаман.

Аммо кейинги вақтларда ишим юришмай қолди. Бунга сабаб ёзув машинкаси учун лента йўқлигидир. Учқўрғондаги ҳамма маданий моллар магазинларини қидириб лента топа олмадим. Шундан кейин лента қидириб Наманган ва Андижон шаҳарларига бордим. Афсуски, бу шаҳарларда ҳам лента йўқ экан.

Ҳозир давлат ташкилотлари ва муассасалардан ташқари колхоз ва совхозларда ҳам ёзув машинкасидан кенг фойдаланилмоқда. Аммо лента етишмаслиги туфайли машинкалар бекор турибди. Бунга савдо идораларининг раҳбарлари қандай қарар эканлар?

Н. АБДЕЕВА,
«Жанговар меҳнат» газетасининг машинисткаси, Учқўрғон райони.

ЭГАСИЗЛИК ОҚИБАТИ

1961 йилда Қамаши районининг маркази Қамаши посёлкасида қувончли воқеа юз берди. 44 хўжаликка мўжалланган уй-жой бинosи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги уй олган ишчи-хизматчилар қувона-қувона ҳовли тўйи тўказдилар.

Бироқ, қувонч узоққа бормади. Иморат чала-чулпа битказилиб фойдаланишга топширилгани тездаёқ маълум бўлиб қолди. Эшик-деразалар қийшайиб кетди, сувоқ кўчиб тушди. Хоналар ҳамон электрлаштирилмай, радиолаштирилмай келинаётир. Шундай катта биноga ҳали водопровод ўтказилган эмас. Бундай эгасизликка қачон чек қўйилади?

К. БЕРДИЕВ.

ЧИГАЛНИ КИМ ЕЧАДИ?

ТашГРЭС ишчилар шаҳарчасида аҳоли зич жойлашган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг студент ва ўқитувчилари, пойтахт саноат корхоналарининг неча юзлаб ишчи-хизматчилари шу ерда истиқомат қилишади. Кейинги вақтларда уларга транспорт хизмати кўрсатиш ночор аҳволга тушиб қолди.

Илгари ГРЭСга 19-маршрут бўйича автобус қатнар эди. 1964 йил 12 декабрдан бошлаб автобуслар ярим йўлдан қайтяпти. Бу йўловчиларнинг ҳақли ранжишига сабаб бўляпти. Бу чигални қачон, ким ечади?

Б. ҚОСИМОВА.

БАРАКАЛИ ЙИЛ

1965 йилнинг Ўзбекистон ирригаторлари учун «баракали» бўлиши кутилмоқда. Етти йиллиқнинг сўнгги йилида бир қанча янги гидроузеллар, каналлар ва коллекторлар ишга солинади, сув хўжалигидаги кўпгина катта иншоотларни қуриб битказиш ишлари янада кенг авж олдирилади. «Узгалвводстрой»да ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни гапириб бердилар:

Самарқанд областидаги ҳаётий муҳим каналлардан бири — Даргом сув йўлини реконструкция қилиш тугалланмоқда. Эски каналнинг ўзани 21 километр масофада тўғриланиб, кенгайтирилмоқда. Трассанинг сув ерга кўп сингиб кетадиган бир қисмига бетон қопламоқда. Бутун Пастдарғом суғориш системасининг фойдали иш коэффициенти кескин оширилмоқда.

Дарғомни тубдан қайта қуриш учун механизаторлар қарийб 3,4 миллион кубметр тупроқни қазиб олишлари ва суришлари, 25,7 минг кубметр бетон ва темир-бетон ётқизишлари керак.

Ўзбекистондаги ҳамма ирригация қурилишларига сиртдан назар ташласак, Куйиқмозор насос станцияси майдончаларида қурилиш ишлари ҳаммадан кўра авж олиб кетган, дейиш мумкин. Шу йил кўкламидаёқ станциянинг кучли насослари катта бир дарё сувини олти қаватли уйча баландликка кўтариб, Бухоро районидаги колхозларнинг далаларига таратади. Фақат бир йил мобайнида шу агрегатлар бир ярим миллиард кубметрдан ортиқ сув чиқариб беради.

Етти йиллик охирида яна бир муҳим воқеа содир бўлади. Республика жанубидаги ирригация гиганти — Жанубий Сурхон сув омбори қуриб битказилади. Бу улкан иншоот ичига 800 миллион кубметр сув тўпланади. Шунингдек, Бухоро ва Қорақўл воҳаларидаги шўрҳок ерларга астойдил ҳужум бошланади. Бу ерларда бир қанча йирик коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш, кучли зовур шохобчаси барпо этиш мўлжалланмоқда. Бу йил гидроиншоот қурувчилар Амударё соҳилларида Туямўйин каналини кавлашга киришадилар, Таҳиатош гидроузелини қуриш учун тайёргарлик ишларини авж олдириб юборадилар.

(ЎзТАГ).

ҚОРА КЎЗЛАР НИГОРОН

Аҳил-иноқ оилалар, ўз фарзанд-дилбандларини меҳр билан тарбия қилаётган кишилар миллионлаб саналади. Хонадондаги тотувлик, бахтиёрлик, дили поклиги меҳнатда, ижодда қанот бахш этади. Аммо оила аҳиллигини менсимовчилар, азиз фарзандларини ота меҳридан жудо қилувчилар ҳам борки, улар камдан-кам, бармоқ билан санарлидир. Биз ота йўлига кўзлари нигорон, меҳрига муштоқ қорақўзларни деб, улар «адам қаердалар, қачон келадилар?» деб сўраганда «ўқишга кетган, келиб қолар, болам» дея алдаб юпатаётган муштипар онани деб қўлга қалам олишга мажбур бўлдим.

Нурмат Алменов Тошкент медицина институтининг педиатрия факультетида ўқирди. Иккинчи курсга ўтгач, 1952 йилда Мукаррам Муҳаммадқуловага уйланди.

Нурмат қишлоққа тез-тез бориб турарди. Мукаррам эрининг иқтисодий жиҳатдан қийналмай билим олиши учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилди: колхоз далаларида меҳнат қилди, топган пулини эрининг қўлига тутқазди.

Нурмат институтни битириб келганда ўғли Ҳамид отасига қараб талпинадиган, ета-поя қилиб юрадиган бўлиб қолганди. Ёш врачни «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозига ишга юборишди. У хотини ва ўғлини ҳам кўчириб олиб кетди.

Худди ўша кезларда Нурматнинг феъли айниб қолди, уйга келганда қош-қовоғини очмайдиган, ўғли отасини кўриб пешвоз чиққанда теснари қарайдиган бўлиб қолди. Мукаррамни Чақмоқ қишлоғига, онасининг олдига келтириб қўйди. Кейин эса уйидан ҳайдаб чиқарди.

Хотини ва фарзандини ҳайдаб юборгани, ўз обрўсига, ишига таъсир қилишини сезган Нурмат бошқача йўл тутди. Орадан саккиз ой ўтгач Мукаррамнинг олдига борди.

— Мендан ўтган бўлса, кечир,— деди у кўзини лўқ қилиб.— Бирга турайлик.

— Йўқ. Сиз олий маълумотли одамсиз, врачсиз. Мен эса оддий колхозчиман,— деб жавоб берди Мукаррам Нурматнинг бир вақтлар айтган гапларига ишора қилиб.

— Ўнди гапларни қўй, ахир, ўғлимиз бор. Уни отага зор қилмагин.

Қўни-қўшнилар ўртага тушишди. «Фарзандингиз бор, ота меҳридан жудо қилманг уни» дейишди. Мукаррам рози бўлди.

Нурмат «Қизил намуна» участкасидаги касалхонада ишлар, шу ерда турар, ҳар якшанба куни уйга қайтарди. Хотини устбошини ювиб, дазмоллаб, тоза кийинтириб яна ишга жўнатарди. Улар яна уч фарзанд кўришди. Лекин нияти бузуқ Нурмат ҳамон ЗАГСдан ўтмаган эди.

— Ўғлимиз мактабга борадиган бўлиб қолди. Ҳали ҳам туғилгани ҳақида гувоҳнома олганимиз йўқ,— деб қолди бир кун Мукаррам.

— Қўйбер, ўзим тўғрилайман.

— ЗАГСдан ўтсангиз, Карима, Маҳмудларга ҳам гувоҳнома олиб қўйсан.

Мукаррам бундай гапларни кўп айтди. Нурмат парво қилмади.

— Кийимларимни чемоданга жойла, — деб буюрди у бир куни,— Тошкентга, врачлар малакасини ошириш институтига кетаяпман. Тўрт ой ўқиб, қайтиб келаман.

— Тошкент Оқўрғонга узоқ эмаску, келиб турарсиз.

— Бўлмаса-чи, болаларни соғиниб қоламан.

Шундай қилиб, 1963 йил сентябрида Нурмат малака ошириш институтига кетди. Мукаррам тўрт ой эмас, 12 ой кутди, Нурматдан дарак бўлмади. У Тошкентдаги психоневрологик касалхонага ишга кирган эди.

Ҳа, Нурмат эимдан иш тутди, Мукаррамни болалари билан ташлаб кетмади, балки мунофиқлик қилиб, алдаб кетди. Тошкентда эса бир вақтлар ўзи билан бирга ишлаган Элмирага ҳали турмуш қурмаган йигитдек уйланиб олди.

Мана, тўладан келган хушрўйгина йигит редакцияда ўтирибди. Мукаррамдан

АХЛОҚ ТЕМАСИДА

ажралганимга анча бўлди, ундан кейин уйланганман, фарзандимиз бор, дегандек, хотиржам.

— Нега Мукаррамга бевафолик қилдингиз!— деб сўраймиз ундан.

— Мен уни севмас эдим.

— Севмасангиз нега ўн икки йил бирга турдингиз? Бир вақтлар ялиниб, Мукаррамга айтган гапларингизни эсланг: «Ўғлимиз отага зор бўлмасин» деган эдингиз. У вақтда Ҳамидгина бор эди. Энди эса унинг ёнида Карима ва Маҳмудларнинг ҳам кўзи нигорон бўляпти.

Фарзандларингизга туғилганлин ҳақида гувоҳнома берилаётганда уларга худди етим болалар каби бобосининг фамилияси берилди. Йўқ, сиз болаларни фақат йўлингизга нигорон эмас, хор қилдингиз. Бундан ҳам ортиқ виждонсизлик бўладими!

Азиз газетхон! Нурматни виждонсиз дедик. Бу қуруқ гап эмаслигини исботлаш учун, ўтган ишларни нега қаламга олаётганимизни тушунтириш учун яна бир воқеани айтиб ўтмоқчимиз.

Нурмат оиласи, фарзандлари юзига оёқ қўйгани маълум бўлгач, Мукаррам болаларига алимент олиб беришни сўраб Оқўрғон район халқ судига ариза берди. Шу вақт кенжатойи Фарида оғир касал бўлиб қолди, Жигарбандини бағрига босиб врач олдидан чиқаётган Мукаррамни кўриб, Нурмат тескари қараб кетди. Ахир у ота эдику, ўз фарзандининг ҳолидан хабар олмаган отани нима деб аташ мумкин? Фарида вафот этди. Бундай пайтда бегона ҳам ҳолаҳвол сўраби, ҳамдард бўлади. Нурмат шунда ҳам келмади, ўз фарзандининг тупроғига ҳам бормади. У оталик бурчини эмас, инсонлик бурчини ҳам ўтамади.

«Болаларингизни бориб кўриб турасизми?» деб сўрасан, «Борсам ҳам хотиним уларни менга кўрсатмайди» деб жавоб беради у. Фарзандларига оталик меҳри топилмаган кишидан яна нима кутиш мумкин?!

— Моддий ёрдам бериб турибсизми? — деб сўраймиз Нурматдан.

— Ҳа, ҳар ойда 25 сўм юбориб тураман, — деб яна ёлғон гапирди у.

Тўғри, Мукаррам ҳар ойда 25 сўм олиб турибди. Аммо пул юбориш Нурматнинг хаёлига ҳам келмаган. Район суди ижро варақаси юбормагунча у пул жўнатишни хаёлига ҳам келтирмаган.

Совет қонунчилиги хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилади, фарзандларини унутган бебурдларга оталик бурчини эслатиб қўяди. Ниҳоя ҳақида гувоҳнома бўлганда эди, Нурматнинг маошидан 25 сўм эмас, кўпроқ қисми болаларига юборилади. Мукаррам ва Нурматнинг ўн икки йил бирга турмуш қуришганига бутун Чақмоқ қишлоғи гувоҳ бўла туриб, гувоҳнома йўқлиги учун нафақанинг камайтирилиши тўғрими? Оқўрғон район халқ суди Мукаррамнинг аризасини кўраётганда унинг қўлида қолган уч фарзандни кўз олдига келтириши керак эди-ку! Зотан, қонунларимиз ҳам одамийликни ҳимоя қилади-ку!

Мақоламизнинг охирида Элмира Шамсиддинова ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз. У ҳозир Тошкентдаги психоневрологик касалхонада ишлаб, медицина институтининг педиатрия факультетида ўқимоқда. У Нурмат билан бирга ишларди, унинг хотини, фарзандлари борлигини яхши биларди. Нахотки бир оилани бузаётганлигини, уч фарзандни отасидан жудо қилаётганини ўйламаган бўлса! Келинг, бу томонини Элмира ишлаётган ва ўқиётган муассасалар коллективига ҳавола қилайлик.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
8 ЯНВАРЬ. 1965 ЙИЛ
№ 5 (12.961).

ЮРАК яшайверади

Юракнинг физиологик, клиника ва техника электрстимуляцияси асосларини ишлаб чиққанликлари, электрокардиостимулятор яратганликлари ҳамда уни клиника практикасига ва ишлаб чиқаришга жорий этганликлари учун совет олимларидан бир группаси Ленин мукофоти олишга тақдим этилди. Новости матбуот агентлигининг (АПН) мухбири ана шу асар авторларидан бири, профессор Виктор Савельев билан суҳбат қилди.

<> <>

САВОЛ: Юрак стимуляторларини яратиш ғояси биринчи марта қачон туғилди ва бу соҳада қандай ишлар олиб борилди?

ЖАВОБ: Бу ғоя биринчи марта 1959 йилда туғилган эди. Биз касал юракнинг қисқариши минутига 20-30 мартагача пасайиб кетган ҳолларни кўплаб учратдик. Юрак касаллиги ана шундай тез-тез такрорланган ҳолларда, у бутунлай уришдан тўхтаб қолиши мумкин. Юрак уришини нормаллаштиришга ёрдам бера оладиган аппарат керак бўлиб қолди. У юракка сим ёрдами билан уланиб, электр импульслари юборади ва беморнинг юрак қисқаришини соғлом кишининг юрагида қандай бўлса, шундай ҳолатга келтиради.

Биз ҳозиргача ҳайвонларга яқин 700 та эксперимент ўрнатдик. Гап организмга бевосита ўрнатиладиган электронкардиостимулятордек ничкина аппарат яратиш устидагина эмас, балки шу билан бирга, кўпгина физиологик, клиника ва техника проблемаларини ўрганиш устида ҳам борар эди. Олимларнинг бутун бир коллективи: Украина ССР Фанлар академиясининг академиги Евгений Бабский, техника фанлари доктори Арон Рихтер, инженер Виталий Бельгов, медицина фанлари доктори Юргис Бредикис, врач Борис Савчуклар ана шу вазифани ҳал этишни ўз зиммасига олди.

САВОЛ: Ҳозиргача юрак стимуляторларининг қанақа хиллари яратилди ва клиника практикасига жорий этилди?

ЖАВОБ: Электрокардиостимуляторларнинг бир қанча хилларини ишлаб чиқдик. Улардан бири юракни вақтинча стимуллаштиришни кўзда тутади ва организмга ўрнаштириш йўли билан ҳамда беморларнинг юрагида жуда оғир касаллик пайдо бўлган чоқдаги хирургия операциялари вақтида қўлланилади. Айни вақтда биз оғирлиги 120 граммли «ЭКС-2» электрокардиостимуляторин и н г нусхасини яратдик. Бу аппарат организмга бевосита ўрнатилади. У эркакларнинг чап қовурғаси ёки хотин-қизларнинг кўкрак бези қовурғаси остига ўрнатилади. Аппаратга сим уланган бўлиб, юрак мускулига ўрнаштирилади ва ўша жойда қолади. Электростимуляторнинг катталиги гугурт қутисича келади. У минутига 6,5 вольт қувватга эга бўлган 60 импульс юборади. Ҳар бир импульснинг давоми бир секунднинг икки минг ҳиссасига тўғри келади. Электрокардиостимулятор 2-2,5 йил ишлай олади. Ҳозирги вақтда бу аппарат кўплаб ишлаб чиқариш учун қабул қилинди. СССРда ҳар йили камида мингта кардиостимулятор зарур бўлса керак, деб ҳисоблаб чиқилди. Демак, уларнинг ёрдами билан минг кишининг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлади.

САВОЛ: Аппаратнинг ёрдами билан киши ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлинган энг қизиқарли ҳодисаларни практикангиздан айтиб берсангиз.

ЖАВОБ: Биз кейинги йилларда юзга яқин беморнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлдик. Айни вақтда 30 дан кўпроқ бемор биз ўрнатган стимуляторлар билан юришибди. Жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бундан икки йил муқаддам иккинчи медицина институтининг хирургия клиникасига юраги деярли бутунлай тўхтаб қолган бемори — 44 ёшли слесарь Михаил Шч. ни Тула шаҳридан олиб келишди. Унинг аҳволи жуда оғир, баъзан ҳушидан кетиб қолар ва электрстимулятори унинг юрагига ёрдамга келмаса, эҳтимолки, ўлиб қолиши ҳам мумкин эди. Ҳозирги вақтда аппарат Михаил организмининг доимий ва ажралмас бўлаги бўлиб қолди. 68 ёшли Василий М. ҳам ана шундай кишилардан бири. Операция ёрдами билан унинг юрагига стимулятор ўрнатилди. Клиникага жуда оғир ҳолдаги, баъзан эса клиника нуқтаи назаридан ўлган кишилар олиб келинади. Улар юрак тўхташидан ҳушдан кетадилар, ҳатто юраклари бутунлай тўхтаб қолади. Юракни массаж қилиш ёрдами билангина кардиостимуляторни ўрнатишга муваффақ бўлаётирмиз.

САВОЛ: Эскириб қолган стимуляторни янгиси билан алмаштирса бўладими?

ЖАВОБ: Кейинги ой ичида биз беморлардан уч кишини такрор операция қилдик. Эски электростимулятор ўрнига янги стимулятор ўрнатиш — хирурглар учун катта қийинчилик туғдирмайди ва энг муҳими, бемор учун бутунлай хатарли эмас. Озгина жойни кесиб, эски аппаратни оламиз ва юракка янгисини улаймиз. Беморлар унга тез кўникиб кетадилар.

Пациентларимизнинг кўпи ҳозир жисмоний жиҳатдан унчалик кўп куч талаб қилмайдиган ишларни бажаришяпти. Улар спорт билан шуғулланишлари, чопишлари, ирғиш-сакрашлари мумкин эмас, албатта. Зотан, биз уларга стимуляторни оғир касалликдан кейин, масалан, юрак мускулларининг яллиғланиш оқибати бўлган инфарктдан кейин ўрнатамиз, ахир.

САВОЛ: Сиз ҳозирги вақтда қандай янги проблемалар билан шуғулланяпсиз?

ЖАВОБ: Биз стимулятор яратиш устида беш йил иш олиб бордик. Бу аппарат минутига 60-70 марта уриш имконини берадиган доимий режимга мосланган. Лекин киши чопса ёки оғир жисмоний ишни бажарса юрак минутига айтайлик, 90-100 марта тезлик билан қисқариши керак. «ЭКС-2» стимулятори бунга имкон бермайди. Шу сабабли ҳозирги проблема шундан иборатки, организмнинг эҳтиёжига қараб юрак уришига имкон берадиган аппарат яратиш зарур. Одам чопган вақтда унинг юраги минутига 60 мартадан анча кўпроқ урадиган бўлишига эришиш лозим бўлади. Чунончи, беморнинг териси остида бўладиган яна бошқа бир электрокардиостимуляторни синашдан ўтказяпмиз. Унинг устига лампочка ўрнатилади. Масалан, одам зинапоядан кўтарилпяти, дейлик. Бундай ҳолда у стимулятордан келадиган импульсларнинг тезлигини ўзи ошириши мумкин. У лампочканинг ёруғлик кучини ўз қўли билан ўзгартиради, бунинг натижасида юрак қисқаришининг тезлигини тегишинча кўпайтиради. Бизни яна бир проблема ҳам ташвишлантиради: бу эса икки, уч йил эмас, балки тахминан ўн йил ишлай олиш имкониятига эга бўлган аппарат яратиш проблемасидир. Яқин вақт ичида бу масала ҳал қилинади, деб ўйлайман.

САВОЛ: Чет элларда бу соҳада қандай диққатга сазовор ишлар олиб боpиляпти, совет ва чет эл кардиостимуляторларини бир-бирига қиёс қилиш мумкинми?

ЖАВОБ: Электрокардиостимуляция проблемаси билан айни вақтда ҳамма мамлакатлар шуғулланади. Америкада, Швецияда, Францияда ва Италияда жуда кўп ишлар қилинган. Бироқ совет кардиостимулятори ўзининг оғирлиги, формаси жиҳатидангина эмас, амалда қўлланиш учун қулайлиги жиҳатидан ҳам барча чет эл стимуляторларига нисбатан бир талай афзалликларга эгадир. Бизнинг аппаратимизга уланган сим шундай хусусиятга эгаки, у ишдан чиққан аппаратни янги аппарат билан осонгина алмаштиришга имкон беради. Чет эл стимуляторларининг бундай мосламалари йўқ.

Америка рассоми Роунэлл Кент биздан совет кардиостимулятори юборишни илтимос қилди. Роунэлл Кент кўп вақтлардан бери оғир юрак касаллигидан азият чекиб келади. Биз шу кунларда Кентга операция ёрдами билан электростимулятор ўрнатиш қанчалик муваффақиятли ўтганлиги тўғрисида хабар келишини кутиб турибмиз. (АПН).

Физика-математика фанлари кандидати Ю. М. Слоним 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери Тошкент астрономия обсерваториясида ишлайди. Бу давр ичида у бир қанча илмий асарлар ёзиб, фаннинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Суратда: ўртоқ Ю. М. Слоним қуёш ҳаракатини текширувчи аппаратни кўздан кечиряпти.

И. Душкин фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

«ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкент қишлоқ хўжалик институтида халқлар дўстлиги университети очилди. Бу халқ университетининг машғулотларига ўн олти миллат студентлари қатнамоқда. Дастлабки машғулот Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар халқ хўжалигининг ривожланишига бағишланди.

Жамоатчилик асосида ишлайдиган бу ўқув юртининг программасида Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати, СССРдаги иттифоқдош республикаларда деҳқончилик ва чорвачиликни янада юксалтириш истиқболлари ҳақида лекциялар ўқиш кўзда тутилган. Тингловчилар жаҳондаги турли мамлакатлар қишлоқ хўжалигида эришилган фан, техника ва илғор тажриба ютуқлари билан танишадилар.

Бу Ўзбекистон пойтахтидаги 83-халқ университетидир. Шундай университетларда 19 мингдан кўпроқ киши билим олмоқда.

(ЎзТАГ).

ОКСАНА ҲАЁТГА ҚАЙТДИ

КИЕВ. Студентка Н.нинг янги йил билан табриклаб юборган откриткаси анестезиолог врач Екатерина Степановна Паламарчукни жуда хурсанд қилди. Бу қиз яқиндагина Киевдаги Октябрь насалхонасида ўлимдан қолиб тузалиб чиққан эди. Унинг нафас олиши тўхтагандан кейин 18 соат давомида сунъий юрак йўли билан ҳаёти сақлаб турилган эди. Студентка Н. ҳозир ўзини яхши сезаётгани, ўқишини давом эттираётганлиги, янги йил байрамини эса дўстлари билан арча атрофида ўтказаётганлигини эшитиб Екатерина Степановна ҳам, унинг ҳамкасблари ҳам беҳад севинишди. Худди шу кунларда Киевдаги энг кекса касалхонанинг анестезиолог врачлари яна бир тўлқинлантирувчи ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар. Палата ёнига ўрнатилган арчага томон 15 ёшли Оксана Степовая деган қиз секин-аста юриб келди. Бу қизча узоқ вақт давомида ҳаёт билан ўлим ўртасида қолган эди.

— Ўтган йилнинг ноябрида Оксанани Киев асаб касалликлари медицина институтининг асаб касалликлари клиникасига оғир миастения касали ҳолатида келтиришган эди. Унинг аҳволи тобора ёмонлашиб борарди. Энг мудҳиш ҳодиса юз берди — у нафас олишдан тўхтади. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра миастениянинг авж олиши кўкрак қафасининг юқори қисмида жойлашган айри безнинг ўсиши билан боғланган эди. Октябрь касалхонасидаги анестезиолог врачлар беморларни ҳаётга қайтариш соҳасида анча-мунча тажриба тўплаган эдилар. Ҳаёти қил учида қолган касал қизга сунъий нафас бера бошланди. Ўпка ўрнига ишлатилган аппарат бу сафар бенуқсон ишлади. Шу бир неча кун ичида даволовчи врач Елена Фёдоровна Довгань қанчалик ҳаяжонланганлигини айтиб ўтириш ортиқча.

Оксананинг ҳаётини сақлаб қолиш учун уни операция қилишга қарор қилинди. Операция жуда қийин шароитда ўтди. Чунки бу вақтда бу қизда яна ўнг томонлама пневмония касали бошланган эди. Хирурглардан И. Л. Лисов билан Д. Ф. Скрипниченко ўртоқлар сунъий ўпкани ишдан тўхтатмасдан туриб мураккаб операцияни бошлаб юбордилар.

Кейин қизчанинг қил учида турган ҳаёти яна 26 кун давомида сунъий нафас йўли билан сақлаб турилди. Аппарат беморнинг ўпкасини кечаю кундуз ҳаво билан тўлдириб турди. Оксананинг кучи жуда ҳам секинлик билан тикланди.

Одамни ўлим ёқасидан қайтариб, оёққа турғизиш осон иш эмас. Лекин касалхона коллективи Оксананинг оғир касалликдан бутунлай тузалиб кетишига қаттиқ ишонадилар.

Биз Октябрь шаҳар касалхонаси анестезиолог врачларидан бир группасининг ўтказган даволаш практикасининг икки ҳодисаси ҳақидагина тўхтадик. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун фидокорона кураш шаётган анестезиолог врачларга янада катта муваффақиятлар тилаймиз.

М. ОДИНЕЦ,
Я. ДЕНИСЮК.

«ПРАВДА», 1965 йил, 7 январь.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛЛАРГА УМИД БОҒЛАМОҚДАЛАР

ҚОҲИРА, 6 январь. (ТАСС). Африкадаги барча мустақил мамлакатларнинг норозилигига қарамай, Моиз Чомбе Конго ватанпарварларига қарши жазо операцияларида қатнашаётган оқ танли сотқинлар сонини кўпайтириш ниятидадир. Чомбе шарти кетиб парти қолган ўз армиясига ишонмай, ёлланган қотилларга катта умид боғламоқда.

МЕН агентлигининг хабар беришича, Чомбе ихтиёридаги сотқинларга қўмондонлик қилаётган юқори мансабдаги офицерлардан бири Жанубий Африкада сотқинларнинг янги қисмларини танлаб олиш учун яқинда Жанубий Африкага юборилган. Мавжуд маълумотларга қараганда, Леопольдвиль режими иқтисодий ва молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётганига қарамай, Чомбе ёлланган сотқинларни ўз армиясига тортиш учун солдатларнинг ойлик маошини тўрт баравар — 50 фунтдан 200 фунтгача ошириш ниятидадир.

Конгонинг қўғирчоқ бош министри пул қидириб топиш учун яқинда Бельгияга жўнайди. Унинг Брюсселда олиб борадиган музокаралари, аввало, Чомбенинг Конго ватанпарварларига қарши кураш олиб боришига ёрдам бериш учун Бельгиянинг Конгога кўрсатадиган иқтисодий ва ҳарбий ёрдамини кўпайтиришга тааллуқли бўлади.

ПАРИЖ, 6 январь. (ТАСС). Чомбе армиясида хизмат қилиш учун оқ танли сотқинларни ёллаш кампанияси Жанубий Африка Республикасида яна бошланиб кетди. Иоганнесбургда мана шундай солдатларни ёллаш пунктини бошқарувчи капитан Эрик Брижес, шу ойнинг охиригача Конгога камида 300 кишини юбориш тўғрисида Леопольдвильдан кўрсатма олдим, деди. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Иоганнесбургдан берган хабарида шундай дейилади.

КУВ ДЕ МЮРВИЛНИНГ ГАРРИМАН БИЛАН МУЗОКАРАЛАРИ

ПАРИЖ, 6 январь. (ТАСС). Франция ташқи ишлар министри Кув де Мюрвиль кеча АҚШ давлат секретарининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Аверелл Гарриманни қабул қилди.

Гарриман НАТО кенгашидаги доимий вакилларнинг мажлисида қатнашиш учун Парижга келган эди. НАТО кенгашининг ана шу доимий вакиллари Конгодаги аҳвол масаласини муҳокама қиладилар. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, бу мажлис Бельгия ташқи ишлар министри Спаакнинг илтимосига кўра чақирилади. Спаак Чомбе билан учрашишдан олдин НАТО кенгашида маслаҳатлашиб олишни илтимос қилган эди.



Сайгон хунтасининг тутган йўли.
Н. Леушин чизган расм.

АФРИКАЛИКЛАРГА ҚАРШИ ГАЗ ИШЛАТИЛМОҚДА

ЛОНДОН, ТАСС мухбири Б. Бантинг хабар беради:

Жанубий Африка Республикасидаги кон-руда корхоналарининг хўжайинлари кўмир конларида ва олтин конларида оғир ишларда банд бўлган африкалик кончиларга қарши эндиликда кўздан ёш оқизадиган газларни ўзлари хоҳлаганларича ишлатишлари мумкин.

Жанубий Африка Республикасида кўздан ёш оқизадиган газни шу вақтгача фақат Жанубий Африка полицияси ишлатиши мумкин эди. Эндиликда эса кўздан ёш оқизадиган газ тўлдирилган гранаталар бевосита хўжайинларнинг қўлига бериб қўйилмоқда. Хўжайинлар ўзлари истаган вақтда бу гранаталарни африкалик ишчиларга қарши ишлатишлари мумкин.

Полицияга келганда, у кўздан ёш оқизадиган газни меҳнаткашларга қарши кураш олиб боришда унчалик «самарали эмас» деб ҳисобламоқда. Полиция «олдин ўққа тутиш, сўнгра савол бериш керак» деган қоидага амал қилмоқда. Собиқ юстиция министри бўлган, ҳозир эса Жанубий Африка Республикасининг президенти бўлиб турган Сварт мана шундай кўрсатма бериб қўйган эди.

ОҚ УЙ ВАКИЛИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 6 январь. (ТАСС). Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Риди, АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Гарриман ҳозир Парижда бўлган вақтида Жонсон билан де Голлнинг учрашувини ўтказишни муҳокама қилаётирми деб мухбирларнинг берган саволларига жавобан, Гарриман кам тараққий этган мамлакатларга Ғарб давлатларининг «ёрдамини» координациялаш масалаларини муҳокама қилмоқ учун Парижга борган деди.

Сўнгра Риди президент Л. Жонсоннинг АҚШ конгрессига юборган мактуби муносабати билан Франция ва Америка раҳбарларининг юксак доирада учрашувини тайёрлаш тўғрисида Парижда музокаралар олиб борилиши мумкин, деди.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ Американинг Питтсбург шаҳрида «СССРда соғлиқни сақлаш» виставкаси очилди. Шаҳар аҳолиси совет виставкасидаги экспонатларни завқ билан томоша қилди. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги маданий алоқа программасига мувофиқ ташкил этилган бу виставка 12 январдан бошлаб Канзас-Ситида (Миссури штати) ўз экспонатларини кўрсата бошлайди.

⊙ Арабистон ярим оролининг жанубий қисмини босиб олган инглиз мустамлакачи қўшинлари кўп талафот кўрмоқдалар. Арабистон жанубидаги миллий озодлик армиясининг бўлинмалари яқинида инглиз мустамлакачиларининг Ад-Дале князлигидаги ҳарбий лагерига ҳужум қилган.

⊙ Пхеньянда Корея Халқ Демократик Республикаси ва Конго республикаси (Браззавиль) ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг натижалари тўғрисида қўшма ахборот эълон қилинди. Ҳар иккала мамлакат ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги, савдо-сотиқ ва тўловлар ҳақидаги битимлар имзоланди. Томонлар Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг Конго республикасига (Браззавиль) иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиши тўғрисидаги битимни ҳам имзоладилар.

⊙ Кучли зилзила 6 январь эрталаб Япониядаги Осима ва Ниидзима аҳолисини уйғотди. Токиода ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам ер қимирлади. Зилзиланинг эпицентри Осима ороли яқинидадир.

⊙ АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Эглин базасида (Флорида штати) чиққан ёнғин натижасида йўлдошларни кузатиб турувчи станция деярли батамом ер билан яксон бўлди. Ана шу станцияни қуриш учун 30 миллион доллар сарф қилинган эди. Ўт ўчириш командалари ёнғинни ўчира олмадилар. Жуда қимматли ускуналар ёниб кетди. Ёнғиннинг сабаблари аниқланмоқда.

⊙ Ўтган йилнинг дастлабки ўн бир ойи мобайнида Лондонда 230 мингдан кўпроқ жиноят бўлганлиги рўйхатга олинди. Демак, шундан аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 20 минг кўпроқ жиноят содир бўлган.

⊙ Ҳиндистон пойтахти Деҳли районида жуда қаттиқ совуқлар бошланди. Кечаси ҳарорат қарийб нуль градусгача тушди. Ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошида ҳароратнинг пасайиб кетиши орқасида 21 киши ўлди. (ТАСС).

НИГЕРИЯДАГИ АҲВОЛ

ЛАГОС, 6 январь. (ТАСС). Нигерия президенти Ннамди Азикиве Лагос радиоси орқали нутқ сўзлаб, кейинги вақтларда мамлакатдаги аҳволни кескинлаштириб юборган бир қанча масалалар юзасидан турли сиёсий гуруҳларнинг раҳбарлари ўзаро муросага келганликларини хабар қилди. Президент, жумладан, Нигерия федерациясининг бирлигини сақлаб қолиш зарур эканлиги тўғрисида бир битимга келинганлигини таъкидлади.

Президент яна айтдики, 30 декабрда ўтказилган парламент сайловлари вақтида баъзи сайлов округларида қўпол хатоларга йўл қўйилди. Нигерия миллий иттифоқининг раҳбарлари, — деди у, — жумладан Нигерия бош министри Абубакар Тафава Балева буни эътироф қилдилар.

Эндиликда «сайлов ўтказилмаган ёки қисман ўтказилган» сайлов округларида сайлов ўтказиш тўғрисида бир қарорга келинди.

Азикиведан кейин Балева ҳам радио орқали нутқ сўзлади. Балева кенг миллий асосда янги ҳукуматни тузишга тайёр эканлигини таъкидлади.

Мамлакатдаги сиёсий танглик федерал парламент сайловлари ўтказилиши муносабати билан рўй берди. Асосий сайлов олди блокларининг бири — бирлашган прогрессив буюк иттифоқ 30 декабрда ўтказилган сайловларни бойкот қилди ва бу сайловларнинг натижаларини кейинги вақтларгача тан олмади. Бирлашган прогрессив буюк иттифоқнинг раҳбарлари янги ҳукумат ўтган сайловларнинг расмий якунлари асосида тузиладиган бўлса, бу ҳукуматни танимаймиз, дедилар.

П. КЕРЕС ГАСТИНГСДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

ЛОНДОН, 6 январь. (ТАСС). Таллинлик гроссмейстер П. Керес Гастингсдаги традицион шахмат турнирида ғолиб чиқди. У сўнгги даврада Германия Федератив Республикасидан келган шахматчи Х. Пфлегерни енгиб, тўққиз имкониятдан саккиз очко тўплади.

ЖАЗОИРДА БЎРОН

ЖАЗОИР, 6 январь. ТАСС мухбири А. Токарев Жазоирдан хабар беради:

Мамлакатда, айниқса унинг шимолий қисмида ва денгиз соҳилида уч кундан бери қаттиқ бўрон бўлиб, жала ёғмоқда. Жазоир шаҳридаги кўп кўчаларда қатнов тўхтаб қолди, чунки ўпирилишлар, сел оқими ва қулаган дарахтлар шаҳар марказидаги бир қанча кўчаларда ва чекка районларда автомашиналарни амалда юра олмайдиган қилиб қўйди.

Аслини олганда, Жазоир портининг иши ҳам тўхтаб қолди. Икки суткадан бери довулнинг кучлилигидан биронта кема причалларга яқинлаша ёки портдан чиқиб кета олмаётир. Ташқи рейддаги кемаларнинг ўрнидан жилиб кетишига сал қоляпти, чунки лангар занжирлари тўлқиннинг забтига зўрға бардош бераяпти. Портнинг истеҳком билан ўралган қисмига ўтиб олишга уринган баъзи кемаларнинг ҳалокатга учрашига сал қолди, шундан кейин ана шу кемалар яна турган жойига қайтиб кетди.

Довул Жазоир пойтахтига кўп вайронгарчилик келтирди. Кўп уйлар вайрон бўлди ёки сув остида қолди. Уларда яшовчи аҳоли бошқа жойларга кўчирилди.

Атлас тоғларининг этагига қалин қор ёғди. Қорнинг қалинлиги 40-50 сантиметрга боради. Кўп йўлларни қор босиб қолганлиги учун қатнов тўхтади.

КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

ПАРИЖ, 6 январь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: Покистоннинг энг йирик шаҳри Карачи атроф-теварагида комендантлик соати жорий қилинди. Яқинда бу ерда Покистон президенти Аюбхон тарафдорлари билан оппозициячи партиялар аъзолари ўртасида бўлган тўқиниш натижасида ана шу чора кўрилди. Бу тўқинишлар натижасида 27 киши ўлдирилди ва неча юзлаб киши ярадор қилинди. Полиция 75 кишини қамоққа олди.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — Каникул кунларида. **Ой кўрсатади.**

Рус тилида: 12.35 — **Қиш найранглари**, 12.55 — **Қувноқ ҳикоялар** (телеинсценировка). 13.25 — **Оқариб кўринар ёлғиз елкан** (бадиий фильм). 18.00 — **Қадимги пойтахтимиз** (катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун).

Ўзбек тилида: 18.35 — **Телевизион янгиликлар**, 18.50 — **Сўз-илғор чорвадорларга**, 19.10 — **Ойбек поэзияси.** 19.40 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 19.45 — **Телевизион янгиликлар**, 20.00 — **Р. М. Глиер туғилган куннинг 90 йиллиги**, 21.30 — **Реклама ва эълонлар**, 21.35 — **Хабер фотоси** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Адабий топишмоқ** (катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун). 19.35 — **Тошкент янгиликлари**, 19.45 — **Шаҳарликлар учун**, 20.05 — **Шарқ куйлари.**

Рус тилида: 20.35 — **Очиқ хат** (илмий-оммабоп фильм). 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **Қиш, сиҳат-саломатлик**, 21.25 — **Маринанинг тақдири** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Риголетто**, 9/I да кундуз **Семурғ**, кечқурун **Пан воевода.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Биринчи муҳаббат**, 9/I да кундуз **Кутлуғ қон**, кечқурун **Сарвқомат дилбарим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Нодира**, кечқурун **Ишқинг билан**, 9/I да кундуз **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуров** ва **Литва цирки «Вильнюс»** артистлари иштирокида **«Циркда арча».** Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.

КИНО

САНЪАТ САРОЙИДА — 8, 9, 10/I эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Уйқудаги гўзал**, 8, 9/I кеч соат 6 яримда, 10/I кундуз 4 ярим ва кеч 7 да **Жиннилар суди.** Билетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Денгиз мушуги — «ИСКРА», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (1-залда), «ВОСТОК», «МОСКВА», «МИР» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 ва 8 да).

«Трясогузка» армияси — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 гача), «ЧАЙКА» (эрталаб 10 да).

Генерал ва дасторгул — «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дан).

Янко — «ЧАЙКА», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (кундуз 1-10, 3-15 минут ва кеч 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кеч 10 яримда).

Ёш гвардия (1 ва 2-серия, эрталаб соат 10 да), **Даҳшат** (кундуз 5, кеч 6-45 минут ва 8 яримда) — «ВАТАН».

Всевед бобонинг уч олтин сочи (эрталаб соат 10 да), **Шпессарт саройидаги шарпалар** (кундуз 2 ва кеч 9-45 минутда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Нильснинг ёввойи ғозлар билан ажойиб саёҳати (эрталаб соат 10 да), **Айтишув** (кичик залда кундуз ва кечқурун) — «ВОСТОК».

Сирли орол — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 ва 11 да).

Тош гул — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Тоғлиқ қасоскорлар (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11-40, кундуз 4-10 ва кеч 7-20 минутда).

1965 йил 18 январь кундуз соат 3 да, Тошкент политехника институти инженерлик-физика, энергетика ва механика факультетларининг бирлашган советида (Ульянов кўчаси, 3-уй).

М. Эрматов — техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Тошкент шаҳрида юк автомобиль транспортини рационал ташкил қилиш ва бошқариш масалаларини электрон-ҳисоблаш машиналари воситасида текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Я. Колас кўчаси, 16-уй).

«ГОЛОДНОСТЕПСТРОЙ» ИШЧИ ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИГА

Мирзачўл территориясида жойлашган ишчи таъминоти бўлимларида ишлаш учун:

малакали **бош** ва **старший бухгалтерлар,**

Ишчи таъминоти бошқармасида ишлаш учун

ревизор-бухгалтерлар

КЕРАК

Қабул қилинганларга меҳнат қонунлари юзасидан подъёмний пули тўланиши мумкин.

Янгиер шаҳар, Самарқанд кўчаси, 8-уйда бош бухгалтерга учрашилсин.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64543. № В 5. Р. 03611.